

Шакрulloддин Наваҳонини



**ХИЗБУТ ТАХРИР
ТУШУНЧАЛАРИ**

**ХИЗБУТ ТАХРИР
НАШРЛАРИДАН
1424х - 2003м**

Оят таржимасининг маъноси

Шу нарсa эътироф қилиниши лозимки, Қуръон ояти деб араб тилидаги матнгагина айтилади. Ушбу китоб ичида *курсив* қилиб ўзбек тилида келтирилган матн оятлар таржимасининг маъносидир.

ﷻ – соллоллоҳу алайҳи ва саллам

ﷻ – разияллоҳу анҳу / анҳо

ﷻ – алайҳис-салом

Тақийюддин Набахоний. Ҳизбут Таҳрир тўшунчалари
Ўзбек тилидаги тўртинчи,
тузатилган ва тўлдирилган нашри
1425 ҳижрий – 2004 милодий йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ҲИЗБУТ ТАҲРИР ТУШУНЧАЛАРИ

XII ҳижрий (XVIII милодий) аср ўрталаридан бошлаб Ислому олами ўз мавқеидан тез суръат билан тушиб, қолоқлик қаърига мудҳиш суратда қулаб бормоқда. Уни уйғотиш ёки қулаб боришини тўхтатиб қолиш учун бир неча уринишлар юзага келганига қарамасдан, уларнинг бирортаси ҳам муваффақият қозонмади. Ислому олами ҳамон бебошлик ва қолоқлик зулматларида тентираб юрибди. У ҳануз бу беқарорлик ва қолоқлик аламларини тортмоқда.

Бу қолоқликнинг ягона сабаби Исломуни тушунишда зеҳнларга ўрнашиб қолган оғир заифликдир. Бу заифликнинг сабаби VII ҳижрий асрдан бошлаб Исломуни тушуниш ва уни етказишда араб тилига эътибор бермаслик оқибатида араб тили қудратини исломий қудратдан ажратиб қўйиш бўлди. Модомики Ислому тили бўлмиш араб тилини Исломунинг ажралмас таркибий қисмига айлантириш билан араб тили қудрати Ислому қудратига қориштириб юборилмас экан, қолоқлик мусулмонларни ўз қаърига тортаверади. Зеро, Исломуни тўлиқ шаклда ифода этиш қудратига эга бўлган ва Ислому қудрати билан қоришиб кетган ягона тил араб тилидир. Бу тилга эътибор бермаслик билан шариятда ижтиҳод йўқолади. Шариятда ижтиҳод фақат араб тили билан бўлади. Чунки араб тили ижтиҳоддаги асосий шартдир. Ижтиҳод уммат учун зарурийдир. Зеро, умматнинг тараққиёти фақат ижтиҳод биландир.

Мусулмонларни Ислому асосида уйғотиш учун қилинган уринишларнинг муваффақиятсизликка учраши сабаблари учтадир:

Биринчиси – уйғониш фаолиятини олиб бораётганлар тарафидан исломий фикратнинг нозик тушунилмаганлиги;

Иккинчиси – бу фикратни ижро қилишдаги Исломунинг тариқати уларда тўла равшан бўлмаганлиги;

Учинчиси – улар Ислому фикратини Ислому тариқати билан ажралмайдиган тарзда мустаҳкам боғлаб олмаганликларидир.

Ислому фикратига келсак, унинг кўпгина нозик жиҳатларини аксарият мусулмонларга ноаниқ қилиб қўйган хиралаштириш омиллари юзага келди. Бу хиралаштириш омиллари ҳижратнинг II асри бошларидан то мустамлака келгунига қадар давом этди. Ҳинд, форс ва юнон каби ажнабий фалсафалар баъзи мусулмонларга таъсир қилган эди. Бу таъсир уларни Ислому билан мазкур фалсафаларни мувофиқлаштириш уринишларига мажбур қилди, ҳолбуки улар билан Ислому ўртасида тўлиқ зиддият мавжуддир. Бу мувофиқлаштириш уринишлари баъзи исломий ҳақиқатларни зеҳнлардан узоқлаштирган, шунинг-дек, уларни идрок қилишни заифлаштирган таъвил

ва тафсир қилишларга олиб борди. Бунинг устига Исломга адовати бор ва уни ёмон кўрувчи баъзи кишилар Ислом сафига мунофиқона кириб келишди. Бунинг Исломга ундан бўлмаган, балки унга мутлақо зид бўлган тушунчаларнинг хуфёна киритилишида таъсири бўлди. Бу ҳол кўпчилик мусулмонларни Исломни чалкаш тушунишга олиб келди. VII ҳижрий асрга келиб Исломни ёйишда араб тилини беътибор қолдириш бу ишларга қўшимча бўлди. Буларнинг барчаси мусулмонлар-нинг қолақлашаётганидан дарак берар эди. Бунга XI ҳижрий (XVII милодий) асрнинг охирларидан бошлаб Ғарб тарафидан олиб борилган ва ҳанузгача давом этаётган сақофий ва миссионерлик ҳужумлари, кейинчалик сиёсий ҳужумлар қўшимча бўлди. Бу нарса дард устига чипқон ва исломий жамиятдаги аввалги чигалликларга қўшимча бўлган янги чигаллик бўлди. Буларнинг барчаси-нинг мусулмонлар исломий фикратни хато тасаввур қилишларида кучли таъсири бўлди, ҳатто исломий фикрат зеҳнларда ҳақиқий тиниқлигини йўқотди.

Исломий тариқатга келсак, мусулмонлар уни тиниқ тасаввур қилишни аста-секин йўқотдилар. Аввалда мусулмонлар уларнинг ҳаётда бор бўлишлари фақат Ислом учун, мусулмоннинг ҳаётдаги вазифаси исломий даъватни олиб бориш, Исломий Давлатнинг вазифаси эса ичкарида Исломни татбиқ қилиб, унинг аҳкомларини ижро қилиш, ташқарида эса исломий даъватни олиб бориш ва бунинг тариқати давлат амалга оширадиган жиҳод эканлигини билар эдилар. Айтамикки, мусулмонлар шуларни билганларидан кейин мусулмоннинг вазифаси аввало мол-дунё топиш, сўнгра – шароит тўғри келиб қолса – ваъзу иршод қилиш деб биладиган бўлиб қолишди. Давлат эса Ислом аҳкомларини ижро қилишдаги бепарволигида ҳамда Исломни ёйиш учун Оллоҳ йўлида жиҳод қилмасликда ўзини айбдор деб ҳис қилмай қўйди. Сўнгра мусулмонлар ўз давлатларини – заиф ва суст бўлса ҳам – йўқотганларидан кейин Исломнинг қайтиб келиши масжидлар қуриш, китоблар чиқариш ва ахлоқни тарбиялаш билан амалга ошади деб ўйлайдиган, куфрнинг улар устидан ҳукмрон бўлиб мустамлака қилишига лом-мим демайдиган бўлиб қолдилар.

Булар фикрат ва тариқат хусусидадир. Аммо иккисини бир-бирига боғлаш масаласига келсак, мусулмонлар муаммоларнинг муолажасига, яъни фикратга тааллуқли бўлган шаръий аҳкомларга эътибор бериб, муаммоларнинг муолажа қилиш кайфиятини, яъни тариқатни баён қиладиган аҳкомларга аҳамият бермай қўйдилар. Мусулмонлар орасида аҳкомларни ижро қилиш тариқатидан ажратган ҳолда ўрганиш кучайди. Улар намоз, рўза, никоҳ ва талоқ аҳкомларини ўрганиб, жиҳод, ўлжалар, халифалик, қозилик, хирож ва шу каби масалаларнинг аҳкомларини ўрганишга эътибор бермай қўйдилар. Бу билан фикратни тариқатидан ажратиб қўйдилар. Натижада тариқатдан ажратиб қўйилган фикратни ижро қилиш имконсиз бўлиб қолди.

Буларнинг барчасига XIII ҳижрий (XIX милодий) аср охирларига келиб Исломий шариатни жамиятга татбиқ қилиш йўлини хато тушуниш қўшилди. Натижада Ислом ҳозирги жамиятга мувофиқ келиши учун нусус (оят ва ҳадис)лари кўтармайдиган маънолар билан тафсир қилина бошлади. Аслида жамиятга мослаштириш учун Исломни тафсир қилишга уриниш эмас, Исломга мувофиқ бўлиши учун жамиятни ўзгартириш лозим эди. Зеро, масала шундан иборатки, бу ерда бирор мабда асосида ислоҳ қилиш кўзда тутилаётган бузуқ жамият мавжуд. Демак, мабдани қандай бўлса шундайлигича татбиқ қилиш ва жамиятни бутунича шу мабда асосида тубдан ўзгартириш лозим. Яъни ислоҳотчилар жамият, аср, замон ёки маконга қарамасдан, Ислом аҳкомларини қандай келган бўлса шундайлигича татбиқ қилишлари лозим эди. Лекин улар бундай қилмадилар, балки Ислом аҳкомларини асрга мослаштириш учун таъвил қилдилар. Улар куллий (умумий) ва жузъий (хусусий) масалаларда ҳам шу хатога шўнидилар. Улар шу қарашга мувофиқ келадиган куллий қоидалар ва жузъий аҳкомларни ишлаб чиқдилар. Яъни, улар «Замон ўзгариши билан аҳкомларнинг ўзгариши инкор қилинмайди», «Одат ҳакамдир» каби ва бошқа бир неча хато куллий қоидалар қабул қилдилар ҳамда шариат томонидан бирор асосга эга бўлмаган аҳкомларга, балки Қуръоннинг қатъий нусусларига зид бўлган аҳкомларга ҳам фатво бердилар. Масалан, икки баробар эмаслигини ва етимнинг молини кўпайтириш зарурлигини ҳужжат қилиб, оз фойзли судхўрлик-ка рухсат бердилар. «Шаръий қози» деб номланадиган қози етимлар жамғармасида судхўрликка рухсат бера бошлади. Шунингдек, «низомий қози» деб аталган қози ҳам судхўрликка рухсат берадиган бўлди. Ҳадларни тўхтатишга фатво чиқариб, жазо қонунларини исломий бўлмаган манбалардан олишга рухсат бердилар. Шундай қилиб, улар «асрга мувофиқликни» ва «Шариат ҳар бир аср, замон ва маконга мувофиқ келиши зарурлигини» ҳужжат қилиб, шариатга зид аҳкомларни чиқардилар. Бунинг натижасида Ислом ҳаётдан узоқлаштирилди. Ислом душманлари бу чалкаш тушунча ва ботил аҳкомлар воситасида мусулмонларга ўз қонун ва мабдаларини киритдилар. Ислом ҳар қандай замон ва маконга мувофиқ келади, деган чалкаш тушунча мусулмонлар зеҳнларида ўрнашиб қолгани учун улар душманларнинг мабда ва қонунларида ўз динларига ҳеч қандай зиддият кўрмадилар. Ислом мабдаси ва нуқтаи назарига зид келса-да, ҳар қандай оқим, мабда, ҳодиса ва қоидага мувофиқ келиши учун Исломни таъвил қилиш кўпчиликнинг тилидан тушмай қолди. Бу ҳол Исломни ҳаётдан узоқлаштиришга ёрдам берди. Шунинг учун бу нотўғри тушунча асосида қилинадиган ҳар қандай ислоҳий ҳаракатнинг муваффақиятсизликка учраши муқаррар эди.

XX аср бошларига келиб бу ишларга Ислом билан ҳаёт ўртасидаги тўсиқларни мустаҳкамлаган омиллар қўшилди ва исломий ҳаракатлар олдида турган қийинчиликларни янада орттирди. Бунинг сабаби шуки,

мусулмонлар, хусусан олим ва талабаларга бу вақтда уч нарса ҳукмрон эди:

Биринчиси – улар Ислом динини Исломнинг ўрганиш тариқатига хилоф равишда ўрганар эдилар. Зеро, Исломнинг ўрганиш тариқати шундан иборатки, шариат аҳкомлари давлатга хос ишларда давлат тарафидан, шахсга тегишли ишларда шахс тарафидан татбиқ қилиниш учун амалий масалалар сифатида ўрганилади. Шунинг учун уламолар фикҳга: «Тафсилий далиллардан истинбот қилинадиган амалий шаръий масалаларни билиш», деб таъриф берган эдилар. Бундай ўрганиш ўрганувчида илми, жамиятда давлат ва шахснинг амалий фаолиятини вужудга келтиради. Лекин мазкур олим ва талабалар, балки кўпчилик мусулмонлар Исломни гўё у хаёлий-назарий фалсафадек, қуруқ назарий илм учун ўргандилар. Натижада фикҳий аҳкомлар амалий эмас, фаразий бўлиб қолди. Шариат эса ҳаёт муаммоларини муолажа қиладиган аҳкомлар эмас, балки руҳий ва ахлоқий масалалар сифатида ўрганила бошлади. Булар ўрганиш тариқатига нисбатан йўл қўйилган хатолар эди.

Исломга даъват қилиш борасида эса Ислом талаб қилган таълим тариқати эмас, балки миссионерлар қўллайдиган ваъзу иршод тариқати ҳукмрон эди. Бу билан Исломни ўрганувчилар худди ҳаракатланувчи китоблардек таъсирсиз олимларга ёки жамиятга ҳеч қандай таъсири бўлмаса ҳам, одамларга зерикарли хутбаларни такрорловчи ваъзхонларга айланиб қолдилар. Улар Ислом асосида тарбиялаш маъносини англаб етмадилар. Яъни, Ислом асосида тарбиялашнинг маъноси мусулмонларга уларнинг туйғуларига таъсир қиладиган ва уларни Оллоҳнинг азоби ва ғазабидан қўрқитадиган суратда динларидаги ишларни ўргатишдирки, мусулмон Оллоҳнинг оятларини ўрганиш ва ўргатиш тариқати натижасида туйғулари ақлига боғланган пайтда таъсир қилувчи кучга айлансин. Ҳа, улар бунга англаб етмаган эдилар. Таъсирли чуқур ўргатиш тариқати ўрнига саёз ва сийқа маърузаларга чекланадиган ваъзу иршод тариқатини қўладилар. Шу сабабли Ислом дини билан жамият муаммоларини муолажа қилиш орасида мувофиқлаштиришга муҳтож бўлган зиддият ёки зиддиятга ўхшаган нарса бордек кўриниб қолди. Натижада замонга мувофиқ бўлиши учун Исломни таъвил қилиш одамлар орасида одатий ишга айланиб қолди.

Бунинг устига, улар Оллоҳ Таолонинг:

﴿وَمَا كَانَ الْمُؤْمِنُونَ لِيَنفِرُوا كَافَّةً ۚ فَلَوْلَا نَفَرَ مِن كُلِّ فِرْقَةٍ مِّنْهُمْ طَائِفَةٌ لِّيَتَفَقَّهُوا

فِي الدِّينِ وَلِيُنذِرُوا قَوْمَهُمْ إِذَا رَجَعُوا إِلَيْهِمْ لَعَلَّهُمْ يَحْذَرُونَ﴾

– „Мўминларнинг барчаси бирданига жиҳодга чиқишлари жоиз эмас. Улардаги ҳар бир гуруҳдан бир тоифа жиҳодга чиқиб, қолганлари динни

ўрганиб, жиҳодга кетганлар қайтганда ўзлари ўрганган нарсаларни уларга ҳам ўргатсалар бўлмайдими? Шояд улар ҳам Оллоҳдан қўрқарлар“. [9:122] оятини нотўғри тушуниб, бу оятни ҳар бир жамоадан бир гуруҳ динни ўрганиб, қайтиб келиб қавмига ўргатиш учун талаби илмга чиқиш маъносида тафсир қилдилар. Бу билан динни ўрганишни фарзи кифояга айлантириб, оят маъносига ҳам, шаръий ҳукмга ҳам хилоф иш қилдилар.

Шаръий ҳукм шундан иборатки, ҳар бир балоғатга етган оқил мусулмон ўз ҳаётида дуч келадиган ишларнинг диндаги ҳукмини билиши лозим. Чунки у барча амалларини Оллоҳнинг амри ва наҳий (буйруқ ва тақиқ)лари асосида юритишга буюрилган. Бунинг бирдан-бир йўли амалларига тааллуқли шаръий аҳкомларни ўрганишдир. Шунга асосан, мусулмон учун ҳаёт майдонида зарур бўлган диндаги аҳкомларни ўрганиш фарзи кифоя эмас, фарзи айндыр. Аммо шаръий аҳкомларни истинбот қилиш учун ижтиҳод қилиш эса фарзи кифоядир. Оят маъносига хилоф иш қилганларига келсак, мазкур оят жиҳод ояти бўлиб, шундай маънони ифодалайди: «Мусулмонларнинг барчаси бирданига жиҳодга чиқишлари жоиз эмас. Бир жамоа жиҳодга чиқиб, бошқалар Расул ﷺдан дин аҳкомларини ўрганиш учун қолсалар бўлмайдими?! Мужоҳидлар қайтганида эса қолганлар улар ўргана олмай қолган Оллоҳнинг аҳкомларини уларга таъсир қиладиган суратда ўргатсинлар». Саҳобалардаги (Оллоҳ улардан рози бўлсин) дин аҳкомларини ўрганишга ва Расул ﷺ билан бирга бўлишга ташналик ҳам шунга далолат қилади. Яъни, уларнинг баъзилари сарийяларда жиҳодга чиқар, қолганлари эса дин аҳкомларини ўрганиш учун қолар эдилар. Кейин мужоҳидлар қайтганида, қолганлар улар ўргана олмаган аҳкомларни уларга ўргатар эдилар.

Иккинчиси – Исломни ва мусулмонларни ёмон кўрувчи адоватли Фарб Ислом динига ҳужум қилди. Бир томондан уни айблаб, унга бўҳтон қила бошлаган бўлса, иккинчи томондан ҳаёт муаммоларининг тўғри муолажалари бўлган Ислом аҳкомларининг баъзиларини хунук қилиб кўрсата бошлади. Мусулмонларнинг, хусусан илм олувчиларнинг бу ҳужум олдидаги ҳолатларига заифлик ҳукмрон эди. Чунки улар Исломни айбдор деб ҳис қилиб, уни мудофаа қила бошладилар. Бу эса уларни Ислом аҳкомларини таъвил қилиш йўлидаги уринишларга олиб борди. Масалан, улар жиҳодни ҳужум уруши эмас, мудофаа уруши деб таъвил қилиб, жиҳоднинг ҳақиқатини хато изоҳладилар. Ҳолбуки жиҳод исломий даъват олдида тўсиқ бўлиб турган ҳар қандай шахсга қарши – хоҳ у тажовузкор бўлсин, хоҳ бўлмасин – олиб бориладиган урушдир. Бошқача қилиб айтганда, жиҳод Ислом даъвати олдида турган ҳар қандай тўсиқни йўқ қилиш ёки Исломга даъват қилиш ва даъват йўлида, яъни Оллоҳ йўлида жанг қилишдир. Мусулмонлар Форс, Рум, Миср, Шимолий Африка, Андалус (Испания) ва бошқа юртларда Ислом даъвати Исломни ёйиш учун жиҳодни тақозо этгани сабабли у ерларга ҳужум қилган эдилар. Уларнинг жиҳодга берган мазкур таъвиллари хато бўлиб, бу хато Исломни айбдор

деб ҳис қилишларидаги заифликдан ҳамда айбловчиларни рози қилиш яққол кўриниб турадиган суратда Исломни мудофаа қилишдан келиб чиқди. Шунингдек, кўпхотинлик, ўгрининг қўлини кесиш ва бундан бошқа бир қанча масалаларда мусулмонлар кофирларга раддия бермоқчи бўлиб, Исломга зид равишда Исломни таъвил қилишга урина бошладилар. Шуларнинг барчаси туфайли мусулмонлар Исломни тушунишдан, ўз навбатида Ислом амалда татбиқ этилишдан узоқлашди.

Учинчиси – кўпгина исломий ўлкалардан Исломий Давлатнинг сояси кўтарилиб, улар куфр ҳукмронлигига бўйсунилари, сўнгра Исломий Давлат емирилиши ва бутунлай йўқ қилиниши оқибатида мусулмонлар Исломий Давлатнинг вужудга келишини ва ёлғиз Ислом билан ҳукм юритишини тасаввур қилолмай қолдилар. Шунинг учун улар Оллоҳ нозил қилмаган аҳкомлар билан бошқарилишга рози бўла бошладилар. Ислом билан ҳукм юритилмаса ҳам, модомики Ислом номи сақланар экан, бу ишда бирор зарарни кўрмас эдилар. Исломни ҳаётда татбиқ қилишга ёрдам беришлари учун бошқа оқимлар ва мабдалардан фойдаланиш зарурлигига чақирар эдилар. Натижада Исломий Давлатни қайтариш учун фаолият олиб боришдан бўйин товлаш ва мусулмонларга мусулмонлар қўли билан куфр аҳкомлари татбиқ этилишига сукут сақлаш ҳосил бўлди.

Юқорида айтиб ўтилган ишлар сабабли мусулмонларни уйғотиш ва Исломнинг буюклигини қайта тиклаш учун юзага келган ислоҳий ҳаракатларнинг барчаси муваффақиятсизликка учради. Шундай бўлиши табиий эди. Чунки улар исломий ҳаракатлар бўлса-да, Исломни хато тушунганликлари сабабли чигалликларни орттирар, муаммоларни чигаллаштирар, Исломни жамиятда татбиқ қилишга ҳаракат қилиш ўрнига жамиятни Исломдан узоқлаштирар эдилар.

Шунинг учун Исломни фикрат ва тариқат сифатида тушуниб, у иккисини бир-бирига боғлай оладиган, исломий ўлкаларнинг бирида исломий ҳаётни қайта бошлаш учун иш олиб борадиган исломий ҳаракат зарур бўлиб қолди. Токи бу ўлка исломий даъват келиб чиқадиган бошланиш нуқтаси, сўнгра эса Исломга даъват қилишнинг ҳаракат нуқтаси бўлиб қолсин.

Шунга асосан Ҳизбут Таҳрир вужудга келди ҳамда Исломнинг таянч нуқтаси ва Буюк Исломий Давлатнинг ўзаги бўладиган бир ёки бир неча ўлкаларда Исломий Давлатни вужудга келтириш орқали исломий ҳаётни қайта бошлаш учун фаолият кўрсата бошлади. Бундан бутун Ислом оламида исломий ҳаётнинг қайта бошланиши табиий равишда келиб чиқади. Бу Буюк Исломий Давлат исломий юртларнинг барчасида Исломни мукамал татбиқ қилиш ва исломий даъватни бутун оламга олиб чиқиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлайди.

Ўрганиш, фикр юритиш ва изланишлардан кейин ушбу Ҳизбут Таҳрир муайян шаръий аҳкомларни табанний қилди. Уларнинг баъзилари шахслар ўртасида ва шахсларнинг ўзаро алоқа-ларида содир бўладиган шахсий

муаммоларнинг муолажаларига алоқадор аҳкомлардир. Масалан, деҳқончилик учун ерни ижарага беришнинг ман қилиниши каби. Уларнинг баъзиси мусулмонлар билан бошқалар орасида ҳамда мусулмонларнинг бошқалар билан қиладиган алоқаларида содир бўладиган умумий раъйларга тааллуқли аҳкомлардир. Масалан, мажбурий битимлар тузишнинг жоизлиги, жангни бошлашдан аввал Исломга даъват қилиш ва ҳоказо. Уларнинг баъзилари эса фикрларга тааллуқли бўлиб, булар ҳам бошқа шаръий аҳкомлар каби шаръий аҳкомлардир. «Вожибни адо этиш учун зарур бўлган иш ҳам вожибдир», қондасига ўхшаган ва «Шаръий ҳукм – Шореънинг бандалар феълларига тааллуқли хитобидир», деган шаръий аҳкомлар таърифига ўхшаган ва шулар каби куллий қондалар ва таърифлар сингари ва ҳоказо. Ҳизб мазкур аҳкомларни табанний қилди ва – Исломга даъват қилар экан – уларга ҳам даъват қила бошлади. Бу раъйлар, фикрлар ва аҳкомлар исломийдир, ўзгача эмас. Уларда ғайриисломий бирор нарса йўқ, улар ғайриисломий нарсаларнинг бирортасидан таъсирланган ҳам эмас. Балки улар соф исломий бўлиб, фақат Ислом асослари ва нусусларига таянади. Ҳизб бу раъй, фикр ва аҳкомларда фикрга таянади ва Исломга даъват қилиш фикрга асосланиши ва фикрий етакчилик сифатида олиб борилиши лозим, деб ҳисоблайди. Чунки ёрқин фикр ҳаёт асосланадиган фикрдир. Инсон ҳам унинг асосида уйғонади. Ёрқин фикр нарсаларнинг ҳақиқатини кўрсатиб беради, натижада улар тўғри идрок қилинади. Фикр ёрқин бўлиши учун албатта чуқур бўлиши зарур. Чуқур фикр нарсаларга чуқур назар ташлаш, демакдир. Ёрқин фикр эса нарсаларга, уларнинг ҳолатларига ва уларга алоқадор нарсаларга чуқур назар ташлаш ва тўғри натижаларга етиш учун бу назар ташлашни далил қилиб келтиришдир. Бошқача қилиб айтганда, ёрқин фикр нарсаларга чуқур ва ёрқин назар ташлашдир. Шунинг учун коинот, инсон ва ҳаётга чуқур ва ёрқин назар ташлаш зарур, инсонга ва унинг амалларига чуқур ва ёрқин назар ташлаш зарур. Шунда бу амалларга тегишли аҳкомларни идрок қилиш мумкин бўлади.

Коинот, инсон ва ҳаётга чуқур назар ташлаш улар ҳақида куллий тушунча беради ва инсондаги энг катта тугунни ечади. Мана шу чуқур назар ташлаш инсонда ақидани вужудга келтиради, унга яшашдан кўзланган ғояни ва у ҳаётда қиладиган амаллардан кўзланган ғояни белгилаб беради. Чунки инсон коинотда яшар экан, модомики унга ўзи ҳақидаги, ўзида мавжуд бўлган ҳаёт ҳақидаги, ҳаёти ва вужудининг макони бўлган коинот ҳақидаги энг катта тугун ечиб берилмас экан, у ўзи юриши лозим бўлган ҳаёт йўлини асло била олмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир нарсанинг асоси ақидадир.

Коинот, инсон ва ҳаётга чуқур ва ёрқин назар ташлаш Исломий ақидага олиб боради. Натижада улар Яратувчининг махлуқи эканлиги, уларни тартибга солиб турувчи ва махсус низомга мувофиқ юргизиб, муҳофаза қилиб турувчи зот мана шу Яратувчининг ёлғиз ўзи эканлиги яққол намоён

бўлади. Шунингдек, бу дунё ҳаёти азалий ҳам, абадий ҳам эмаслиги, ундан аввал бир Вужуд бўлиб, шу Вужуд унинг яратувчиси ва бошқарувчиси эканлиги, бу дунё ҳаётидан кейин бошқа бир ҳаёт бўлиб, у қиёмат куни эканлиги аён бўлади. Ҳамда инсоннинг бу дунё ҳаётида қиладиган амаллари Оллоҳнинг амру наҳийларига мувофиқ юритилиши лозим эканлиги, инсон қиёмат кунда, яъни ҳисоб-китоб қилинадиган кунда ўша амалларига ҳисоб бериши аён бўлади. Шунинг учун инсон Оллоҳнинг элчиси саййидимиз Муҳаммад ﷺ олиб келган Оллоҳнинг Шариатига қатъий риоя қилиши лозим.

Коинот, ҳаёт ва инсонга чуқур ва ёрқин назар ташлаш улар руҳ ҳам эмас, модда ва руҳдан таркиб топган ҳам эмас, балки фақат моддадан иборат эканлигини кўрсатади. Бу ерда моддадан мурод сезиладиган ва идрок қилинадиган нарсасидир. Бу ўринда модданинг «маконни эгаллаган ва оғирликка эга бўлган нарса», деб ёки «зоҳир ёки махфий ҳолатдаги тўйинган қувват», деб таърифланишининг эътибори йўқ. Чунки баҳс модданинг моҳияти ҳақида эмас, балки коинот, ҳаёт ва инсон, яъни сезиб, идрок қилинадиган ушбу нарсаларнинг яратувчига махлуқ эканлиги хусусидадир. Бу ерда руҳдан мурод жон эмас, балки Оллоҳга бўлган алоқадорликни идрок этишдир. Чунки баҳс жон маъносидаги руҳ ҳақида эмас, балки коинот, инсон ва ҳаётнинг биз ҳис қила олмайдиган зот, яъни Яратувчига бўлган алоқаси ва шу алоқани идрок этиш ҳақидадир. Яъни, бериладиган савол бундай: Коинот, ҳаёт ва инсоннинг ўз Яратувчисига бўлган алоқасини идрок этиш уларнинг таркибий қисмими ёки йўқми?

Руҳ жон маъносида эмас, балки Оллоҳга бўлган алоқани идрок этиш маъносида деган эътибор билан коинот, ҳаёт ва инсонга чуқур ва ёрқин назар ташлаш уларнинг руҳ эмаслиги, руҳ ва моддадан таркиб топган ҳам эмаслиги, балки фақат моддадан иборат эканлигини кўрсатади. Уларнинг модда эканлиги кўриниб турган ҳақиқатдир. Чунки улар сезиладиган ва идрок қилинадиган нарсалардир. Уларнинг руҳдан иборат эмаслигига келсак, руҳ инсоннинг Оллоҳ Таолога бўлган алоқасини идрок этишдир. Бу идрок коинот ҳам, инсон ҳам, ҳаёт ҳам эмас, балки булардан бутунлай бошқа нарсасидир. Аммо улар модда ва руҳдан таркиб топмаганлиги коинот ва ҳаётда яққол кўринади. Инсонда эса у ўзининг Оллоҳга бўлган алоқасини идрок этиши унинг таркибий қисми эмас, балки кейин пайдо бўладиган сифатдир. Бунга далил шуки, Оллоҳнинг борлигини икор қилувчи кофир ўзининг Оллоҳга алоқаси борлигини идрок қилмайди. Лекин у, шунга қарамасдан, инсондир.

Шунга биноан, баъзиларнинг: «Инсон модда ва руҳдан таркиб топган. Агар инсонда модда руҳдан ғолиб бўлса, у ёмон одам, агар руҳ моддадан ғолиб бўлса – яхши одам бўлади. Шунга кўра, инсон яхши бўлиши учун модда устидан руҳни ғолиб қилиши керак», деган мазмундаги сўзлари нотўғридир. Чунки инсон модда ва руҳдан таркиб топган эмас. Зеро, бу бобда баҳс қилинаётган руҳ Илоҳнинг борлигига ишонадиган барча

инсонлар наздида «Яратувчининг асари» ёки «ғайб олами-нинг мушоҳада қилинадиган асарлари» ёки «бирор нарсада фақат Оллоҳ тарафидан бўладиган жиҳатларнинг идрок қилиниши» ва шунга ўхшаш маъноларни англатади. Яъни бу бобдаги «руҳ» «руҳонийлик» ва «руҳий жиҳат» маъносидадир. Инсонда мавжуд бўлган «руҳонийлик» ва «руҳий жиҳат» маъносидаги руҳ жон эмас, ундан келиб чиққан ҳам эмас, унга алоқаси ҳам йўқ, балки у бутунлай бошқа нарсадир. Бунинг далили шуки, ҳайвонда ҳам жон бор, лекин шунга қарамасдан унда руҳонийлик ва руҳий жиҳат йўқ. Ҳеч ким: «Ҳайвон модда ва руҳдан таркиб топган», – деган даъвои қилмайди. Бундан қатъий хулоса чиқариш мумкинки, бу маънодаги руҳ жон эмас, жондан келиб ҳам чиқмаган, унга алоқаси ҳам йўқ. Ҳайвонда жон бўлишига қарамасдан, у модда ва руҳдан таркиб топмагани каби, инсон ҳам – гарчи унда ҳам жон мавжуд бўлса-да – модда ва руҳдан таркиб топган эмас. Чунки фақат инсондагина мавжуд бўлиб, уни бошқа жониворлардан ажратиб турадиган руҳ жонга тааллуқли эмас, ундан келиб чиққан ҳам эмас, балки у Оллоҳга бўлган алоқани идрок этиш демакдир. Демак, инсонда жоннинг мавжудлигини ҳужжат қилиб, руҳ инсоннинг таркибий қисмидир, дейилмайди.

Модомики бу бобда баҳс қилинаётган руҳ Оллоҳга бўлган алоқани идрок этишдан иборат бўлиб, унинг жонга алоқаси йўқ экан, демак руҳ инсоннинг таркибий қисми бўлмайди. Чунки Оллоҳга бўлган алоқани идрок этиш инсоннинг таркибий қисми эмас, балки кейин пайдо бўладиган сифатдир. Шу далил биланки, Оллоҳнинг борлигини инкор қилувчи кофир ўзининг Оллоҳга бўлган алоқасини идрок қилмайди. Лекин, шунга қарамасдан, у инсондир.

Коинот, инсон ва ҳаётнинг руҳ эмас, моддалигига қарамасдан, уларга нисбатан руҳий жиҳат уларнинг Яратувчига махлуқ эканидир, яъни уларнинг яратувчилари бўлмиш Оллоҳ Таолога махлуқ сифатидаги алоқаларидир. Масалан, коинот моддадир. У Яратувчига махлуқ эканлиги ундаги инсон идрок қиладиган руҳий жиҳатдир. Инсон ҳам моддадир. Унинг Яратувчига махлуқ эканлиги ундаги инсон идрок қиладиган руҳий жиҳатдир. Ҳаёт ҳам моддадир. Унинг Яратувчига махлуқ эканлиги ундаги инсон идрок қиладиган руҳий жиҳатдир. Демак, руҳий жиҳат коинот, ҳаёт ва инсоннинг ўзидан келиб чиқадиган нарса эмас, балки уларнинг уларни яратган Яратувчига, яъни Оллоҳ Таолога махлуқ эканлигидан келиб чиқади. Мана шу алоқа руҳий жиҳатдир.

Аслида руҳ маъноси шундан иборатки, илоҳнинг борлигига ишонадиган одамлар «руҳ», «руҳоний-лик» ва «руҳий жиҳат» сўзларини кўп тилга олар ва бу билан Яратувчининг бирор жойдаги асарини ёки ғайбий тарафининг кўринаётган асарларини ёки бирор нарсада фақат Оллоҳ тарафидан бўладиган жиҳатнинг идрок этилишини ёки шу каби маъноларни назарда тутар эдилар. Улар «руҳ», «руҳонийлик» ва «руҳий жиҳат» ва шу маънодаги сўзлар орқали ифодаляётган ушбу маънолар умумий, ноаниқ,

мубҳам ва тиниқ бўлмаган маънолар бўлиб, бу маъноларнинг уларнинг зеҳнларида ҳам, ташқарида ҳам воқеси мавжуд эди. Бу воқе борлиги идрок қилинадиган, ўзини эса идрок қилиб бўлмайдиган ғойиб зот ва шу зотнинг нарсалардаги асаридир. Лекин улар ҳис қилаётган бу воқени сезгилари орқали ҳақиқатда идрок қилсалар-да, уни таърифлаб бера олмас ва у ҳақида тиниқ бир тасаввурга эга эмас эдилар. Бу маънолар тиниқ бўлмагани туфайли, уларнинг бу маънолар ҳақида тасаввурлари беқарор эди. Натижада баъзиларнинг наздида бу маънолар жон маъносидаги руҳ билан аралашиб кетди. Улар инсонда жон маъносидаги руҳнинг борлигини ҳис қилганлари ҳамда руҳонийлик ва руҳий жиҳат маъносидаги руҳ борлиги туфайли: «Инсон модда ва руҳдан таркиб топган», деб айта бошладилар. Натижада улар «руҳ айнан жон демакдир» ёки «жондан келиб чиққандир», деб ўйладилар. Бироқ, ҳайвонда ҳам руҳ, яъни жон бор бўлса-да, унда руҳонийлик ва руҳий жиҳат йўқлигига эътибор бермадилар. Шунингдек, бу маънолар тиниқ бўлмагани туфайли инсон ўзида ҳис қиладиган маънавий кўтаринкиликка ҳам руҳ сўзини ишлатиб, «руҳим кўтарилди» ёки «фалончининг руҳи жуда баланд», деб айтадиган; бирор жойга борганда кўнгил ёзилиб, енгилликни ҳис қилса: «Бу жойда руҳий жиҳат (ёки руҳонийлик) бор», деб айтадиган; «Рухимни бақувват қиламан», деб ўзини оч қўядиган, жасадини қийнайдиган ва жисмини заифлаштирадиган бўлиб қолди. Буларнинг барчаси «руҳ», «руҳонийлик» ва «руҳий жиҳат» маъноларининг тиниқ бўлмаганлиги сабабли юзага келди. Бу масала қадимгилар тасаввуридаги ақлнинг воқесига ўхшаб кетади. Чунки ақл калимасидан идрок этиш, бирор нарса устидан ҳукм чиқариш ва шу каби маънолар ирода қилинади. Лекин қадимгилар идрок этиш ва шу каби маъноларни ақл эмас, балки ақлнинг маҳсули деб тасаввур қилар эдилар. Уларнинг наздида ақлнинг воқеси бор бўлиб, уни ҳис қилсалар-да, унинг моҳиятини аниқ билмас эдилар ва унинг воқеси уларда тиниқлашмаган эди. Уларда ақлнинг воқеси тиниқ бўлмагани сабабли ақлни ва унинг жойлашган ўрнини тасаввур қилишлари ҳар хил ва беқарор бўлиб, унинг моҳиятини идрок қилишлари чалкашиб кетди. Баъзилар ақл юракда жойлашган деса, бошқалар унинг макони бошда, баъзилар эса миянинг ўзи ақлдир, деган бўлса, айримлар бундан бошқа фикрларни айтдилар. Бизнинг асримизга келиб баъзи мутафаккирлар ақлнинг маъносини, унинг таърифини ойдинлаштириш учун бу масалага ўз эътиборларини қаратдилар. Улар ҳам ақлнинг воқесини идрок қила олмаганликлари туфайли ақл ҳақидаги тасаввурлари чалкашиб кетди. Баъзилар: «Ақл – миянинг моддадаги инъикоси» деса, бошқалар «Модданинг миядаги инъикоси», деди. Ва ниҳоят, ақлнинг энг тўғри таърифига эришилди ва ақл: «Воқенинг мияга сезгилар воситасида узатилиши ва шу воқени баён қилиб берадиган собиқ маълумотларнинг мавжуд бўлиши», деб таърифланди. Бу таъриф орқали ақлнинг моҳияти идрок қилинадиган бўлди. Шунга ўхшаш баъзи мутафаккирлар «руҳ»,

«руҳонийлик», «руҳий жиҳат» ва шу каби маъноларни ҳам уларни ва уларнинг воқесини зеҳн идрок қиладиган даражада оидинлаштиришга эътиборларини қаратмоқлари зарур. Чунки ҳаётда руҳ, руҳонийлик ва руҳий жиҳатларнинг ўз воқеси бордир. Маълумки, ҳаётда нон каби инсон ҳис қилиб, ушлаб кўра оладиган ва табибнинг хизмати каби ҳис қилса-да, ушлаб кўра олмайдиган моддий нарсалар мавжуд. Ҳаётда фахрланиш ва мақтов каби инсон ҳис қилса-да, ушлаб кўра олмайдиган маънавий нарсалар мавжуд. Шунингдек, Оллоҳдан қўрқиш, машаққатли дамларда ўзини Унга топшириш каби инсон ҳис қилса-да, ушлаб кўра олмайдиган руҳий нарсалар ҳам мавжуд. Булар инсон ҳис қила оладиган воқега эга бўлган уч турли маънолар бўлиб, уларнинг бири иккинчи-сидан фарқ қилади. Демак «руҳ», «руҳий жиҳат», ва «руҳонийлик» ҳис қилса бўладиган ўзига хос воқедир. Бинобарин ақлга таъриф берилиб, у одамларга оидинлаштирилгани каби, бу воқега ҳам таъриф берилиб, одамларга оидинлаштирилиши зарур.

«Руҳ», «руҳонийлик» ва «руҳий жиҳат»нинг воқеси чуқур тадқиқ қилиб чиқилса маълум бўладики, булар Оллоҳ Таолонинг борлигини инкор қиладиган даҳрийда мавжуд эмас, фақат Илоҳнинг борлигига ишонадиганлардагина мавжуд. Яъни, бу сўзлар Оллоҳга ишонишга (иймонга) тааллуқлидир. Иймон бор жойда улар ҳам бор, иймон йўқ жойда улар ҳам йўқ бўлади. Оллоҳнинг борлигига ишониш жамики нарсаларнинг уларни яратган Яратувчига махлуқ эканлигини қатъий тасдиқлаш демақдир. Демак, баҳсинг мавзуси жамики нарсаларнинг Яратувчига махлуқ эканлиги ҳақидадир. Бу нарсалар Яратувчининг махлуқи эканлигига иқрор бўлиш – иймон, улар Яратувчининг махлуқи эканлигини инкор қилиш эса куфрдир. Иқрор бўлиш ва қатъий тасдиқлаш ҳолатида руҳий жиҳат мавжуддир. Уни пайдо қилган нарса тасдиқлашдир. Иқрор бўлмаслик ва инкор ҳолатида эса руҳий жиҳат мавжуд эмас. Унинг мавжуд эмаслигига сабаб инкордир. Демак, руҳий жиҳат нарсаларнинг Яратувчига махлуқ эканлигидир, яъни нарсаларнинг яралиши ва йўқдан бор бўлиши жиҳатларидан ўз Яратувчисига бўлган алоқасидир. Агар ақл бу алоқани, яъни нарсаларнинг Яратувчига махлуқ эканлигини идрок қилса, бу идрок туфайли Яратувчининг буюклигини ҳис қилиш туйғуси, Ундан қўрқиш туйғуси ва Уни муқаддас деб билиш туйғуси ҳосил бўлади. Ўзидан туйғу келтириб чиқарадиган мана бу алоқани идрок этиш руҳдир. Демак, руҳ – Оллоҳга бўлган алоқани идрок этишдир. Бу билан руҳий жиҳатнинг маъноси оидинлашади. Руҳ ва руҳий жиҳат маънолари тилга мурожаат қилиб аниқланадиган луғавий маъноларга эга бўлган сўзлардан иборат эмас. Улар ҳар бир миллат хоҳлаганидек келишиб оладиган истилоҳий атамалар ҳам эмас. Балки улар, қандай лафзлар ишлатилишидан қатъий назар, муайян воқега эга бўлган маънолардир. Баҳс луғавий иборалар маъноси ҳақида эмас, бу маъноларнинг воқеси ҳақидадир. Бу маъноларнинг воқеси юқорида баён қилинди. Яъни руҳ, инсондаги руҳий жиҳат нуқтан назаридан қаралганда, Оллоҳга бўлган

алоқани идрок қилишдир. Коинот, инсон ва ҳаётдаги руҳий жиҳат уларнинг Яратувчига махлуқ эканлигидир. Бу лафзлар қаерда ишлатилмасин, улардан мазкур маънолар қасд қилинади. Чунки ҳис этиладиган воқеси борлиги далил билан исботланган маънолар фақат шулардир. Ҳамда бу ҳис қилинадиган воқе Илоҳнинг борлигига, яъни нарсаларнинг Яратувчиси борлигига ишонувчи одамлар наздида мазкур маъноларнинг зеҳндаги ва ундан ташқаридаги воқесидир.

Энди жон маъносидаги руҳга келсак, у қатъан мавжуддир ва Қуръоннинг қатъий ҳужжати билан собитдир. Унинг борлигига иймон келтириш муқаррар бўлган ишдир. Лекин у ушбу баҳснинг мавзуси эмас.

Руҳ сўзи муштарак лафз бўлиб, «ал-ъайн» сўзи каби бир неча маъноларга эга. «Ал-ъайн» сўзи кўп нарсаларга ишлатилиб, булоқ, кўз, айғоқчи, олтин, кумуш ва бошқа маъноларда истеъмол қилингани сингари, руҳ сўзи ҳам бир неча маъноларда истеъмол қилинади. Қуръонда руҳ турли маъноларда келган. Масалан, руҳ сўзи келиб, ундан жон ирода қилинган:

﴿وَيَسْأَلُونَكَ عَنِ الرُّوحِ ۖ قُلِ الرُّوحُ مِنْ أَمْرِ رَبِّي وَمَا أُوتِيتُمْ مِنَ الْعِلْمِ إِلَّا قَلِيلًا﴾

– „Эй Мухаммад, сиздан руҳ ҳақида сўрайдилар. Айтинг: «Руҳ ёлғиз Парвардигорим биладиган ишлардандир». Сизларга жуда оз илм берилгандир“.

[17:85]

Қуйидаги оятда руҳ сўзидан Жаброил ﷺ ирода қилинган:

﴿تَنزَلُ بِهِ الرُّوحُ الْأَمِينُ ﴿۱۹﴾ عَلَى قَلْبِكَ لِتَكُونَ مِنَ الْمُنذِرِينَ﴾

– „Охират азобидан огоҳлантирувчилардан бўлишингиз учун Ар-Рухул-Амин қалбингизга уни (Қуръонни) олиб тушди“.

[26:193-194]

Мана бу оятда эса руҳ сўзидан шариат ирода қилинган:

﴿وَكَذَلِكَ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ رُوحًا مِّنْ أَمْرِنَا﴾

– „Шундай қилиб, Биз сизга Ўз буйруқларимиздан иборат руҳни (яъни шариатни) ваҳий қилдик“.

[42:52]

Бу маъноларнинг ҳеч бири «унда руҳий жиҳат бор» ёки «бу руҳий наrsa» ёки «моддани руҳдан ажратиш» ва шу каби сўзлардан қасд қилинган маънолар эмас. Руҳ ҳақидаги бу сўзларнинг Қуръонда келган «руҳ»нинг маъноларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Балки кейинги истеъмол-лардаги «руҳ»дан кўзланган маъно модданинг яратилишига тааллуқли маънодир, яъни нарсаларнинг Яратувчи – Оллоҳ Таолога махлуқ эканига ва нарсаларнинг ўз Яратувчисига бўлган алоқасини инсон тарафидан идрок қилинишига тааллуқли маънодир.

Инсонга чуқур ва ёрқин назар ташлаш унинг икки доира ичида ҳаёт кечираётганини кўрсатади. Биринчиси инсон устидан ҳукмрон бўлган, иккинчиси эса инсон ҳукмронлик қиладиган доирадир. Инсон устидан ҳукмрон бўлган доирага келсак, у борлиқ қонунлари инсонни ўраб

турадиган доирадир. Демак, инсон бу доирада коинот ва ҳаёт билан бирга ўзгармас махсус қонунга мувофиқ яшайди. Шунинг учун ҳам бу доирадаги ишлар инсоннинг ихтиёрисиз рўй беради. Инсон бу доирада ихтиёрли эмас, мажбурдир. Масалан, у бу дунёга ўз ихтиёрисиз келган, ундан ўз ихтиёрисиз кетади. Инсон борлиқ қонунига қарши чиқа олмайди. Шунинг учун бу доирада инсон тарафидан ёки унга нисбатан содир бўлган ишларга у жавобгар эмас. Инсон ҳукмронлик қиладиган доирада эса у – хоҳ Оллоҳнинг шариати, хоҳ бошқа тузум бўлсин – ўзи танлаган тузум бўйича ихтиёрли равишда яшайди. Бу – инсон тарафидан ёки унга нисбатан содир бўладиган ишлар унинг хоҳиш-иродаси билан рўй берадиган доирадир. У хоҳлаган вақтида юради, овқатланади, чанқоғини қондиради, сафарга отланади ва хоҳлаган вақтида булардан бош тортади. Бу ишларни у ўз ихтиёри билан қилади ва ўз ихтиёри билан қилишдан бош тортади. Шунинг учун ҳам инсон бу доира ичида қилган ишларига жавобгардир.

Инсон ўзи ҳукмронлик қиладиган доирада ҳам, устидан ҳукмрон бўлган доирада ҳам ўзи тарафидан ёки унга нисбатан бошқа тарафидан содир бўладиган баъзи нарсаларни ёқтирса, баъзиларини ёмон кўради. У бу ёқтириш ва ёқтирмасликни яхшилик ва ёмонлик деб изоҳлашга уринади. Ўзи ёқтирадиган нарсани яхши, ёқтирмайдиганини эса ёмон дейишни хоҳлайди. Шунингдек, ўзига фойда келишига ёки зарар етишига қараб, баъзи ишларни яхши ва баъзиларини ёмон деб баҳолайди.

Ҳақиқатда эса инсон ҳукмрон бўлган доирада унинг тарафидан содир бўлаётган ишларнинг ўзи яхши ёки ёмон деб сифатланмайди. Чунки улар фақат ишлардан иборат бўлиб, уларнинг ўзида яхшилик ёки ёмонлик сифати мавжуд эмас. Балки уларнинг яхши ёки ёмонлиги улардан ташқаридаги эътиборларга биноан юзага келади. Масалан, одам ўлдиришни яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам деб бўлмайди, балки у фақат ўлдириш деб аталади. Унинг яхши ёки ёмонлиги ундан ташқаридаги сифатларга боғлиқ. Шунинг учун душман жангчисини ўлдириш яхшилик ҳисобланса, ўз давлатининг фуқаросини, иттифоқчисини ёки омонлик сўраган кишини ўлдириш ёмонлик ҳисобланади. Биринчи қотил мукофотланса, иккинчи қотил жазоланади. Ҳолбуки бу икки ўлдириш ҳам бир хил иш бўлиб, улар орасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Демак, яхшилик ва ёмонлик сифати инсонни бу ишга ундайдиган омиллардан ҳамда бу ишдан кўзда тутилган ғоядан келиб чиқади. Демак, инсонни маълум бир ишни қилишга ундайдиган омиллар ҳамда кўзланган ғоя инсон уни ёқтириш-ёқтирмаслиги, унга фойда ёки зарар келтиришидан қатъий назар, ўша ишнинг яхши ёки ёмон деб сифатланишини белгилаб беради.

Шунга биноан, инсонни маълум бир ишни қилишга ундайдиган омиллар ҳамда бу ишдан инсон кўзда тутаётган ғоя чуқур ўрганилиши лозим. Шундагина иш қачон яхши ва қачон ёмон деб сифатланиши маълум бўлади. Ундовчи омилларни ва инсон интилаётган ғояни билиш у эътиқод қилаётган ақиданинг турига боғлиқ. Масалан, Оллоҳга иймон келтирадиган

ҳамда саййидимиз Муҳаммад ﷺ Оллоҳнинг амру наҳийларини баён қилиб берувчи эканликлари ва инсоннинг Парвардигори, ўзи ва бошқалар билан бўладиган алоқаларини тартибга солувчи Ислом шариати билан юборилганликларига иймон келтирадиган мусулмоннинг барча ишларини Оллоҳнинг амру наҳийлари юргизиши лозим. Бу юргизишдан кўзда тутилган гоё эса Оллоҳнинг розилигига эришиш бўлмоғи даркор. Шунинг учун иш «Оллоҳни ғазаблантирадиган ёки рози қиладиган иш», деб сифатланади. Агар иш Оллоҳнинг буйруқларига зид бўлгани ёки У қайтарган нарсалардан бўлгани учун Оллоҳни ғазаблантирадиган иш бўлса, бу ёмон ишдир. Аксинча, Оллоҳнинг буйруқларига итоат қилиб, қайтарган нарсаларидан четланиб амалга ошириладиган бўлса, бу яхши ишдир.

Шунга биноан айта оламизки, мусулмоннинг назарида Оллоҳни рози қиладиган иш яхши, ғазаблантирадиган иш эса ёмон ишдир.

Бу – инсон ҳукмрон бўлган доирада ўзи тарафидан ёки унга нисбатан содир бўладиган ишларга тааллуқлидир.

Энди инсон устидан ҳукмрон бўлган доирада унинг тарафидан ёки унга нисбатан содир бўладиган ишларга келсак, инсон уларни ёқтириш-ёқтирмаслигига ёки фойда-зарарига қараб яхши ё ёмон деб сифатлайди.

Оллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الْإِنْسَانَ خُلُقٌ هَلُوعًا ۖ إِذَا مَسَّهُ الشَّرُّ جَزُوعًا ۖ وَإِذَا مَسَّهُ الْخَيْرُ مَنُوعًا﴾

– „Инсон бегоҳат қилиб яратилган. Унга ёмонлик етса фарёд қилади. Яхшилик (мол-дунё) етса бахиллик қилади“, [70:19-21]

﴿وَإِنَّهُ لِحُبِّ الْخَيْرِ لَشَدِيدٌ﴾

– „Инсоннинг яхшиликка (мол-дунёга) муҳаббати жуда ҳам кучлидир“. [100:8]

Лекин бу сифат ишларнинг ҳақиқий сифати эмас. Гоҳо инсон аслида ёмон бўлган нарсани яхши, гоҳо эса яхши нарсани ёмон деб билади.

﴿وَعَسَىٰ أَنْ تَكْرَهُوا شَيْئًا وَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ ۖ وَعَسَىٰ أَنْ تُحِبُّوا شَيْئًا وَهُوَ شَرٌّ لَّكُمْ ۗ وَاللَّهُ

يَعْلَمُ وَأَنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ﴾

– „Сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмаслигингиз ва сиз учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин. Бунини Оллоҳ билур, сизлар эса билмассиз“. [2:216]

Инсоннинг ишларига чуқур ва ёрқин назар ташлаш – барча шарт-шароитлар ва эътиборлардан ажратилган ҳолда уларнинг ўзига эътибор берилса – уларнинг фақат моддадан иборат эканини кўрсатади. Ишлар модда бўлгани учун уларнинг ўзи чиройли ёки хунук деб сифатланмайди. Улар ўзларидан ташқаридаги шарт-шароитлар ва улардан бошқа томондан келувчи эътиборлардан келиб чиқиб чиройли ёки хунук деб сифатланади.

Амалнинг чиройли ёки хунук эканини баён қиладиган ана шу бошқа томон ёлғиз ақлнинг ўзи ёки ёлғиз шариатнинг ўзи бўлади, ё ақл асос бўлиб, шариат унга далил бўлади, ёки шариат асос бўлиб, ақл унга далил бўлади. Инсоннинг ишларини ёлғиз ақл асосида сифатлаш ботилдир. Чунки ақлнинг тафовут, хилма-хиллик ва зиддиятларга учраши муқаррардир. Зеро, ақлнинг чирой ва хунукликни белгилайдиган ўлчовлари ўзи яшаб турган муҳитдан таъсирланади, шунингдек у асрлар ўтиши билан турли тафовут ва ихтилофларга дучор бўлади. Агар чирой ва хунукликни белгилаш ақлнинг ўзига топширила-диган бўлса, битта нарса бир тоифа одамлар наздида хунук бўлса, бошқалар наздида чиройли бўлади. Балки битта нарса бир асрда чиройли бўлса, бошқа асрда хунук бўлади. Ислом оламшумул ва абадий мабда бўлганлиги туфайли ишларни чиройли ёки хунук деб сифатлаш барча асрларда ҳамма инсонлар учун бир хил бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ишларнинг чиройли ёки хунук эканлиги ақлдан ташқаридаги куч тарафидан белгиланиши зарур. Бинобарин шариат тарафидан белгиланиши керак. Шунинг учун инсоннинг ишларини чиройли ёки хунук деб сифатлаш ёлғиз шариатдан олинади. Шунга кўра, хиёнат – хунук иш, ўз аҳдига вафо қилиш – чиройли иш, фисқ – хунук иш, тақво – чиройли иш, Ислом Давлатига қарши исён кўтариш – хунук иш, агар бу давлат нотўғри сиёсат олиб бораётган бўлса, унинг хатоларини тузатиш чиройли ишдир. Чунки шариат буларни баён қилган. Аммо ақл белгилаб берган нарсаларга шариатни далил қилиш чирой ва хунуклик мавзусида ақлни ҳакам қилишни тақозо этади. Бунинг ботиллигини юқорида баён қилдик. Аммо шариат белгилаб берган нарсаларга ақлни далил қилиш шаръий ҳукмга ақлни далил қилишни тақозо этади. Ҳолбуки, шаръий ҳукмнинг далили ақл эмас, нусусдир. Ақлнинг вазифаси шаръий ҳукмга далил бўлиш эмас, балки шаръий ҳукмни тушунишдир. Бундан келиб чиқадики, чиройлилик ва хунуклик ақлий эмас, фақат шаръийдир. Ишларни яхшилик ва ёмонлик билан сифатлаш билан чиройли ва хунуклик билан сифатлаш ўртасидаги фарқ шундан иборатки, уларни яхшилик ва ёмонлик билан сифатлаш уларнинг инсон назаридаги таъсири ва уларга қадам қўйиш ёки улардан бош тортиш жиҳатидандир. Инсон ўзига зарар етадиган ёки ёқтирмайдиган ишларни ёмон деб номласа, ўзига фойда етадиган ва ёқтирадиган ишларни яхши деб ҳисоблайди. Чирой ва хунукликдан қатъий назар, бу ишларнинг ўзига бўлган таъсири туфайли шундай деб эътибор қилади. Чунки бу ҳолатда чирой ва хунуклик мавзуси унинг хаёлига келмайди. Шу нуқтаи назарга биноан, у бир ишга қадам қўяди ёки ундан бош тортади. Шу билан бу нуқтаи назарга тузатиш киритилди, яъни бирор иш ёқтириш-ёқтирмаслик ёки фойда-зарарга қараб яхши ёки ёмон дейилмайди. Балки унинг яхши ёки ёмонлигининг ўлчови Оллоҳ Таолонинг розилигидир. Бу ерда баҳс ишнинг ўзи ҳақида эмас, балки яхшилик ва ёмонликнинг одамлар одатланган ўлчови ҳақида борди.

Ишларни чиройли ва хунук деб сифатлаш эса инсоннинг улар устидан ҳукм чиқариши ва уларга жазо ва савоб берилиши жиҳатидан келиб чиқади. Инсон нарсаларга қиёслаб туриб ишларга чиройли ёки хунук деб ҳукм чиқариш ҳуқуқини ўзига берган. Чунки у аччиқ нарсага хунук, ширин нарсага эса чиройли, бадсурат шаклга хунук, гўзал шаклга чиройли деб ҳукм чиқариш имконига эга бўлгач, рост гапириш – чиройли иш, ёлғон гапириш – хунук иш, аҳдга вафо қилиш – чиройли иш, хиёнат қилиш – хунук иш деб ҳукм чиқариш имкониятига ҳам эгаман, деб ўйлади. Натижада, яхшилик-ёмонлик мавзусидан қатъий назар, ишларга чиройли ёки хунук деб ҳукм чиқариш ҳуқуқини ўзига берди. Чунки бундай ҳолатда ишларнинг яхши ёки ёмонлиги мавзуси унинг хаёлига келмайди. У ўзининг бу ҳукмига биноан хунук ишларга жазо-уқубатларни, чиройли ишларга эса мукофотларни белгилади. Бу ҳукмга: «Иш нарсага қиёсланмайди», деб тузатиш киритилди. Чунки нарасадаги аччиқлик, ширинлик, бадсуратлик ва гўзалликни сезгилар идрок қилиб, унинг устидан ҳукм чиқариш мумкин бўлади. Иш эса бунинг аксидир. Чунки унда инсон ҳис қиладиган нарса йўқ. Шунинг учун унинг устидан чиройли ёки хунук деб ҳукм чиқара олмайди. Бинобарин, инсон ишнинг ўзига қараб у чиройли ёки хунук деб ҳукм чиқара олмайди. Демак, инсон бу ҳукми ишнинг ўзидан эмас, балки бошқа тарафдан, яъни Оллоҳ Таолодан олиши зарур. Бу ерда баҳс ишларнинг миқёси ҳақида эмас, балки улар устидан ҳукм чиқариш ҳақида бораётир. Бу ерда баҳс ишларга қадам қўйиш ёки улардан бош тортиш ҳақида эмас, балки уларга жазо ёки савоб белгиланиши ҳақида боради. Шунинг учун яхшилик ва ёмонлик билан чиройлилик ва хунуклик ўртасида фарқ бўлиб, булар алоҳида-алоҳида баҳслардир.

Булар ишларни сифатлашга нисбатандир. Аммо ишдан кўзланган мақсадга келсак, маълум бир ишни бажараётган ҳар бир одамнинг шу ишни бажаришдан кўзлаган мақсади бўлиши муқаррар-дир. Бу мақсад ишнинг қийматидир. Шунинг учун ишни бажараётган чоғда ҳар бир ишнинг инсон рўёбга чиқаришни назарда тутган қиймати бўлиши зарурийдир. Акс ҳолда бу иш беҳуда иш бўлиб қолади. Инсон ўз амалларини мақсадсиз беҳуда бажариши мумкин эмас. Шунинг учун у ишларни бажаришдан кўзланган қийматларни рўёбга чиқаришга ўз эътиборини қаратмоғи лозим.

Ишнинг қиймати моддий қиймат бўлиши мумкин. Тижорат, зироат, саноат ишлари каби. Бундай ишларни бажаришдан мақсад моддий фойдаларни, яъни даромадни вужудга келтириш-дир. Бу қиймат ҳаётда ўз ўрнига эга бўлган қийматдир. Ёки ишнинг қиймати инсоний қиймат бўлиши мумкин. Чўкаётган одамни қутқариб қолиш ёки фарёд чекиб ёрдам сўраётган мазлумларга ёрдам бериш каби. Бундай ишлардан кўзланган мақсад ранги, жинси ва динидан ёки инсонийликдан бошқа ҳар қандай эътиборлардан қатъий назар, инсонни қутқариб қолишдир.

Шунингдек, ишнинг қиймати ахлоқий қиймат бўлиши мумкин. Рост гапириш, вафодор бўлиш ва раҳмдиллик каби. Бу ишлардан кўзланган мақсад, фойдалардан ёки инсонийликдан қатъий назар, ахлоқий жиҳатлардир. Чунки хулқ гоҳида инсондан бошқага ҳам қўлланади. Ҳайвон ва қушларга раҳм-шафқат қилиш каби. Гоҳида ахлоқий ишдан моддий зарар етиши ҳам мумкин. Лекин бу ишнинг қийматини рўёбга чиқариш лозим. У ҳам бўлса ахлоқий жиҳатдир. Ва ниҳоят, ишнинг қиймати руҳий қиймат бўлиши мумкин. Ибодатлар каби. Чунки улардан мақсад на моддий фойдалар, на инсоний жиҳатлар ва на ахлоқий масалалардир. Уларни бажаришдан мақсад фақат ибодатдир. Шунинг учун бошқа қийматлардан қатъий назар, бу ишларнинг фақат руҳий қийматини рўёбга чиқаришга эътибор қаратилмоғи лозим.

Мазкур қийматлар барча ишларнинг қийматларидир. Инсон ҳар бир ишни амалга оширад экан, мазкур қийматларни рўёбга чиқаришга ҳаракат қилади.

Инсоний жамиятлар шу дунё ҳаётида мазкур қийматларга қараб ҳамда жамиятда амалга оширилаётган қийматларнинг ва уларни амалга ошириш орқали кафолатланаётган фаровонлик ва хотиржамликнинг миқдорига қараб баҳоланади. Шунинг учун мусулмон киши жамият фаровонлиги ва юксалишига ўз хиссасини қўшиши, шу вақтнинг ўзида ўзининг ҳам фаровонлиги ва хотиржам-лигини кафолатлаши учун ҳар қандай ишни қилаётганида ундан кўзланган қийматни амалга ошириш йўлида бор кучини сарфлаши лозим.

Аслида бу қийматлар бир-биридан афзал ҳам, бир-бирига тенг ҳам эмас. Чунки уларнинг орасида бирини иккинчисига тенглаштиришга ёки бирини иккинчисидан афзал кўришга асос қилинадиган хусусиятлар мавжуд эмас. Улар инсон муайян ишни бажараётган пайтда кўзлайдиган натижалардир. Шунинг учун ҳам мазкур қийматларни битта тарозига қўйиш ва бир хил ўлчов билан ўлчаб кўриш мумкин эмас. Чунки улар бир-бирига зид бўлмаса ҳам, бир-биридан фарқлидир. Лекин қийматларнинг энг афзалини танлаш учун уларни бир-бирига солиштириш инсоннинг хусусиятидир. Гарчи улар бир-биридан афзал, бир-бирига тенг бўлмаса-да, инсон бунга рози бўлмайди, балки уларнинг бирини иккинчисидан устун қўяди ва тенглаштиради. Бундай устун қўйиш ва тенглаш-тириб кўриш қийматнинг ўзига асосланмайди, балки инсонга ундан келаётган натижаларга асосланади. Шунга биноан, инсон қийматларнинг бирини иккинчисидан устун қўйиш ва тенглаш-тиришда ўзини ва бу қийматлардан унга келаётган фойда ва зарарни асос қилади. Шунинг учун ўзини ёки бу қийматлардан қўлга киритаётган натижа-ларни ўлчов қилиб олади. Демак, ҳақиқатни олганда, қийматларнинг ўзини эмас, балки инсонга улардан келаётган натижаларнинг бирини иккинчи-сидан устун қўйиш ҳосил бўлади. Одамларнинг бу қийматлар натижаларига мойилликлари ҳар хил бўлгани

сабабли, қийматларнинг бирини иккинчисидан устун қўйишлари ҳам ҳар хил бўлади.

Руҳий туйғулар голиб бўлган, бу туйғуларга майли кучли бўлган ва моддий қийматга эътиборсиз қарайдиган шахслар моддий қийматдан руҳий қийматни устун қўядилар. Натижада фақат ибодатларга эътибор бериб, моддий ишлардан кўнгил узадилар. Шунинг учун, ҳаёт моддий нарсалардан иборат бўлгани сабабли, унга аралашмайдилар. Оқибатда ҳаётнинг моддий жиҳатдан қолақлашувига сабабчи бўладилар. Улар туфайли улар яшаб турган жамиятнинг турмуш даражаси пасайиб кетади, чунки бундай жамиятда дангасалик ва турғунлик кенг қулоч ёяди.

Моддий майллар устун бўлган, ҳавойи хоҳишларга қул бўлиб қолган ва руҳий қийматга эътиборсиз қарайдиган шахслар эса моддий қийматни афзал кўриб, уни амалга оширишга интиладилар. Шунинг учун уларда олий мақсадлар хилма-хил бўлади. Бундай шахслар сабабли улар яшаб турган жамият беқарор бўлиб қолади ҳамда унда ёвузлик ва бузғунчилик авж олади.

Шунинг учун мазкур қийматларни белгилашни инсоннинг ихтиёрига ташлаб қўйиш хатодир. Балки бу қийматлар инсоннинг яратувчиси тарафидан, яъни Оллоҳ Таоло тарафидан белгиланмоғи лозим. Шунинг учун инсонга бу қийматларни ва уларни амалга ошириш вақтини шариат белгилаб бериши ҳамда шариатнинг кўрсатмаларига қараб инсон бу қийматларни амалга ошириши лозим.

Шариат ҳаёт муаммоларининг муолажаларини Оллоҳнинг амру наҳийлари орқали баён қилиб, бу ҳаётда шу амру наҳийларга мувофиқ юришни инсонга вожиб қилди. Шунингдек, руҳий қийматни рўёбга чиқарадиган амалларни, яъни фарз ва суннат деб белгиланган ибодатларни баён қилди. Ҳамда ахлоқий қийматни рўёбга чиқарадиган сифатларни ҳам баён қилди. Асосий зарурат ва эҳтиёжларини ва улардан ўзга эҳтиёжларни қондириш учун лозим бўладиган моддий қийматни махсус қонунга мувофиқ амалга оширишни инсонга қолдирди. Шариат бу махсус қонунни баён қилиб, инсонни ундан оғишмасликка буюрди. Инсоннинг вазифаси бу қийматларни Оллоҳнинг амру наҳийларига мувофиқ амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва уларни шариат баён қилиб берган миқдорда олишдир.

Бу билан жамиятда унга муайян жамият сифатида лозим бўладиган миқдорда қийматлар рўёбга чиқади ва бу жамият шу қийматларга қараб ўлчанади. Ҳаёт ҳақидаги исломий кўзқарашга мувофиқ исломий жамият вужудга келиши учун қийматларни рўёбга чиқариш йўлида шу асосда ҳаракат қилиш лозим.

Шунга биноан, инсоннинг иши модда бўлиб, инсон уни моддий равишда бажаради. Лекин у ишни бажариш вақтида бу ишнинг ҳалол ёки ҳаром эканлиги жиҳатидан Оллоҳга бўлган алоқасини идрок қилиб, шу асосда ишни қилади ёки ундан бош тортади. Инсоннинг Оллоҳга бўлган алоқасини бундай идрок қилиш руҳдир. Шу идрок инсонни ўз ишларини фарқлаб

олиш учун Оллоҳнинг шариатини ўрганишга мажбур қилади. Натижада Оллоҳни рози қиладиган ва ғазаблантирадиган ишларни билганда яхши иш билан ёмон ишни, шариат унга чиройли ва хунук ишларни белгилаб берган пайтда эса хунук иш билан чиройли ишни ажратади. Шунингдек, исломий жамиятда исломий ҳаёт учун лозим бўлган қийматларни шариат белгилаб берганидек, баҳолаш учун инсонни Оллоҳнинг шариатини ўрганишга мажбур қиладиган нарса ҳам ўша идрокдир. Бу билан инсон муайян бир ишни қилаётган ва Оллоҳга бўлган алоқасини идрок этаётган пайтда шу идрокка мувофиқ ўша ишга қадам қўйиш ёки ундан бош тортиш имкониятига эга бўлади. Чунки у ишнинг турини, сифатини ва қийматини билади. Мана шундан аён бўладики, Ислом фалсафаси моддани руҳга қориштиришдан, яъни ишларни Оллоҳнинг амру наҳийларига мувофиқ юргизиладиган қилишдан иборатдир. Бу фалсафа ҳар бир иш учун – у қанчалар оз ё кўп, кичик ё катта бўлмасин – лозим ва доимий фалсафадир. Бу фалсафа айни пайтда ҳаётнинг тасвири ҳамдир. Исломий ақида ҳаётнинг асоси, фалсафасининг асоси бўлгани учун исломий дунёқараш, яъни Ислом нуқтаи назаридаги ҳаёт ҳақидаги тушунчалар мажмуаси ягона руҳий асосга, яъни ақидага қурилади. Унинг ҳаётни тасвирлаши моддани руҳга қориштиришдир. Унинг назарида саодатнинг маъноси Оллоҳнинг розилигидир.

Модомики энг катта тугунни ечиб берадиган ақида инсон ишларининг асоси экан, ҳаёт ҳақидаги кўзқараш ҳам унга асосланар экан, шунингдек, Ислом фалсафаси бу ишларни тартибга солиб турар экан, демак у ақидадан келиб чиқадиган қонунлар инсон муаммоларини муолажа қиладиган ва унинг ишларини тартибга соладиган омил бўлади. Шунинг учун қонунларнинг татбиқи диёрни дорул-куфр ёки дорул-Ислом деб эътибор қилишнинг ўлчовидир.

Ислом қонунлари татбиқ қилинаётган ва Оллоҳ нозил қилган аҳкомлар билан ҳукм юритилаётган диёр – гарчи аҳолисининг кўп қисми мусулмонлар бўлмаса ҳам – дорул-Ислом деб эътибор қилинади. Оллоҳ нозил қилмаган аҳкомлар билан ҳукм юритаётган диёр – гарчи аҳолисининг кўпчилиги мусулмонлар бўлса ҳам – дорул-куфр деб эътибор қилинади. Демак, ақидадан кейин эътиборга олинадиган нарса Ислом қонунлари ва уларнинг ҳаёт майдонида татбиқ этилишидир. Чунки бу қонунларнинг татбиқи ақида билан биргаликда умматнинг ичида исломий ақлия ва исломий нафсияни табиий равишда вужудга келтиради ва мусулмонни юксак мумтоз шахсиятга айлантиради.

Ислом инсонга бўлинмас бир бутун вужуд деган эътиборда қараб, унинг ишларини – улар қанчалар кўп ва хилма-хил бўлмасин – шаръий аҳкомлар билан ягона ва уйғун суратда тартибга солади. Бу шаръий аҳкомлар инсон муаммоларини муолажа қиладиган Исломий қонунлардир. Лекин бу қонунлар унинг муаммоларини ечиб бераётганда уни ечимга муҳтож муаммо, яъни шаръий ҳукмга муҳтож масала, деган эътиборда муолажа

қилади. Бошқача қилиб айтганда, барча муаммоларни бошқа сифат билан эмас, фақат инсоний муаммо сифатида, бир хил суратда муолажа қилади. Масалан, Ислом нафақа каби иқтисодий муаммони ёки халифани тиклаш каби ҳокимият муаммосини ёки уйланиш каби ижтимоий муаммони муолажа қилаётганида уларни иқтисодий муаммо ёки ҳокимият муаммоси ёки ижтимоий муаммо сифатида эмас, балки инсоний муаммо сифатида, яъни шаръий ҳукмга муҳтож масала, деган эътиборда муолажа қилади. Кейин унга ечим истинбот қилинади. Инсон муаммоларини муолажа қилишда Исломнинг ягона тариқати бор. Бу тариқат рўй берган муаммони тушуниб олиш ва бу муаммо ҳақидаги Оллоҳнинг ҳукмини шаръий тафсилий далиллардан истинбот қилишдан иборатдир.

Исломий қонунлар ибодат, ахлоқ, озиқ-овқат, кийим-кечак, муомала ва жазоларга тааллуқли шаръий аҳкомлардан иборат.

Ибодат, ахлоқ, озиқ-овқат ва кийим-кечакларга тааллуқли аҳкомлар иллатланмайди. Расул ﷺ айтдилар: **«Ароқ ароқлиги учун ҳаром қилинди»**. Аммо муомала ва жазоларга тааллуқли шаръий аҳкомлар эса иллатланади. Чунки булар хусусидаги шаръий аҳкомлар шу аҳкомларнинг вужудга келиши учун сабаб бўлган иллатга асослангандир. Кўпчилик барча ишлар учун соф манфаатни асос қилиб оладиган Фарб фикрий етакчилиги ва Фарб дунёқарашидан таъсирланиб, барча аҳкомларни манфаат билан иллатлашга одатланган. Бу нарса руҳни барча ишлар учун асос қиладиган ва руҳ билан модданинг қоришувини ишларни бошқарувчи омил қиладиган Ислом фикрий етакчилигига зиддир. Шунга биноан ибодат, ахлоқ, озиқ-овқат ва кийим-кечакларга тааллуқли шаръий аҳкомлар мутлақо иллатланмайди. Чунки бу аҳкомларнинг ҳеч қандай илллати йўқ. Улар нусусларда қандай келган бўлса, шундайлигича олинади, уларга мутлақо иллат кўрсатилмайди. Намоз, рўза, ҳаж, закот, намозни адо қилиш кайфияти, ҳаж маросимлари, закот нисоблари ва шу каби нарсалар қандай келган бўлса, шундайлигича олинади, иллатидан қатъий назар тўла таслим бўлиш билан қабул қилинади. Уларга мутлақо иллат изланмайди. Шунингдек ўлимтик, тўнғиз гўшти ва бошқа нарсаларнинг ҳаром қилинганига ҳам ҳеч вақт иллат изланмайди, уларга иллат излаш хато ва хатарлидир. Чунки бу нарсаларнинг аҳкомларига иллат изланадиган бўлса, бу иллат йўқолган вақтда ҳукм ҳам йўқолишига олиб боради. Зеро, иллат иллатланувчи нарса билан борлиқ ва йўқликда биргадир. Фараз қилайлик, таҳоратнинг илллати поклик, намознинг илллати бадантарбия, рўзанинг илллати соғлик бўлсин ва ҳоказо. Бу ҳолатда иллат бўлмаган вақтда ҳукм ҳам бўлмаслиги келиб чиқади, ҳолбуки иш бундай эмас. Шунинг учун иллат излашда ҳукмнинг ўзига ҳам, уни адо қилишга ҳам хатар бордир. Демак, ибодат аҳкомлари уларга иллат изланмасдан, қандай бўлса шундайлигича олинishi лозим. Аммо ҳикматларга келсак, уларни ёлғиз Оллоҳ Таолонинг Ўзи билади. Бизнинг ақлимиз Оллоҳнинг ҳақиқатини идрок қила олмайди, бинобарин

Оллоҳ Таолонинг ҳикматларини ҳам идрок қилолмайди. Энди қуйидаги оятлар ва улардан бошқа нусусларда келган ҳикматларга тўхталиб ўтсак.

Оллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الصَّلَاةَ تَنْهَىٰ عَنِ الْفَحْشَاءِ وَالْمُنْكَرِ﴾

– „Намоз фаҳш ва мункарлардан қайтаради“.

[29:45]

Оллоҳ Таоло айтади:

﴿لِيَسْهَدُوا مَنَافِعَ لَهُمْ﴾

– „Улар ўзлари учун бўлган манфаатларга шоҳид бўлишлари учун...“.

[22:28]

Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا آتَيْتُم مِّن زَكَاةٍ تُرِيدُونَ وَجْهَ اللَّهِ فَأُولَٰئِكَ هُمُ الْمُضْعِفُونَ﴾

– „Оллоҳнинг розилигини истаб бераётган закотларингиз... бундай закот берувчилар мол-ларини икки баробар қилиб олувчилардир“.

[30:39]

Бу ҳолларда нусуснинг ўзига чекланиб, ҳикмат фақат ундан олинади ва бошқа нусус унга қиёс қилинмайди. Нусусда ҳукмнинг ҳикмати келмаган шаръий аҳкомларда иллат изланмаганидек, ҳикмат ҳам изланмайди.

Ахлоққа келсак, у шундай қийматки, юксак фазилатлар ва олижаноб сифатлар ҳамда уларнинг зидлари баёнида у учун муайян аҳкомлар белгиланган. Шунингдек, у ибодат натижаларидан ва муолажаларда риоя қилиниши лозим бўлган ишлардан деб эътибор қилинади. Чунки Ислому ўз қонунчилигида инсон қодир бўлган энг олий даражага етиши учун уни камолот сари етаклашни кўзда тутди. Шунинг учун Ислому инсоннинг олий сифатлар билан сифатланишини ва шу сифатларда барқарор бўлишини хоҳлайди. Чиройли хулқ – мужассам этилаётган вақтда рўёбга чиқарилиши кўзда тутилган қийматдир. Чиройли хулқ шарият ўз нусусларида баён қилган фазилатларга хосдир. Бу фазилатлар адо қилинаётган ва мужассам этилаётган вақтда ахлоқий қиймат кўзда тутилади. Ахлоқ Исломи шариятнинг бир бўлаги ва Оллоҳ Таолонинг амру наҳийларининг бир қисми бўлиб, мусулмон Ислому амал қилиш ва Оллоҳнинг амру наҳийларини бажариш мукамал бўлиши учун уни ўзида рўёбга чиқариши зарур.

Мусулмон хулқий сифатларни хулқий сифатлиги учун, уларда манфаат борлиги учун ва бошқа бирор нарса учун эмас, балки уларни Оллоҳ Таоло буюргани учунгина ўзида мужассам этади. Бинобарин, мусулмон ростгўйликни ростгўйлик бўлгани учун ва унда манфаат борлиги учун эмас, балки шарият буюргани учун ўзида мужассам этади.

Аммо мусулмон хулқий сифатларни хулқ бўлгани учунгина ўзида мужассам этмаслиги эса нарсаларни сифатлашга боғлиқдир. Гоҳида инсон – иш эканлигини эътиборга олиб – яхши иш деб ўйлаб амалга оширган

иши ёмон иш бўлиши мумкин. Гоҳида инсон – сифат эканлигини эътиборга олиб – яхши сифат деб ўйлаб ўзида мужассам этган сифат ёмон сифат бўлиши мумкин. Мана шу ерда инсоннинг ахлоқни ахлоқ бўлгани учун ўзида мужассам этиши туфайли хато содир бўлади. Модомики Ислому яхши ва ёмон сифатларни тайин қилиб бермас экан, мусулмон шу баён асосида уларни адо қилмас экан, унинг бу сифатларни ўзида мужассам этиши шаръий аҳкомларга мувофиқ бўлмайди. Шунинг учун мусулмон ростгўйлик бўлгани учунгина ростгўй-ликни ўзида мужассам этмаслиги, раҳмдиллик бўлгани учунгина заифларга раҳм қилмаслиги, барча ахлоқий сифатларни ахлоқ бўлгани учунгина ўзида мужассам этмаслиги, балки бу ишларни Оллоҳ Таоло буюргани учунгина ўзида мужассам этмоғи лозим. Зеро, ахлоқ Ислому ақидасига суянади. Ахлоқнинг асоси ҳам шудир. Бу нарса хулқнинг инсонда мустаҳкам ўрнашишига, уни ҳар қандай кирлардан пок сақлашга кафил бўлади ва шахсни бузадиган омиллар кириб қолишидан инсонни йироқ қилади. Шунинг учун хулқни асраш хулқ ҳақида нусусларда келган аҳкомлар билан кифояланиш, руҳий асосга чекланиш ва уни Исломию Ақида устига қуриш билан амалга ошади.

Аммо инсон ўзида хулқни манфаати борлиги учун мужассам этмаслиги хулқдан кўзланган мақсад манфаат эмаслигига боғлиқдир. Манфаат хулқни бузиб қўймаслиги ва хулқни манфаатга қараб ўзгарадиган қилиб қўймаслиги учун у кўзда тутилмаслиги керак. Ахлоқ инсон ихтиёрий равишда, Оллоҳдан кўрқиш турткиси асосида ўзида мужассамлаштириши зарур бўлган сифатдир. Мусулмон хулқий ишларни ҳаётда фойда ёки зарар келтиргани учун эмас, балки Оллоҳнинг амру наҳийларига жавобан келаради. Бу эса мусулмон чиройли хулқни ўзида мужассамлаштиришини доимий ва мустаҳкам, яъни манфаатга қараб ўзгармайдиган қилади.

Манфаат асосига қурилган ахлоқ ўз эгасини дили бошқа, тили бошқа мунофиққа айлантириб қўяди. Чунки унинг назарида хулқнинг асоси манфаат бўлиб, унинг хулқи манфаатга қараб ўзгаради. Зеро, инсон илллати кўрсатилган аҳкомларни илллатлари асосида юрилади. Уларнинг илллати йўқолганини кўрган пайтда бундай аҳкомларнинг борлигига ва уларни бажариш лозимлигига эътиқод қилмайди.

Шунинг учун ахлоқ илллатланмайди ва уни илллатлаш мутлақо жоиз эмас. Ахлоқ ҳар қандай илллатдан қатъий назар шариятда қандай бўлса, шундайлигича олинади. Илллати йўқолиши сабабли инсон ахлоқни ўзида мужассам этишни тўхтатиб қўймаслиги учун уни илллатлаш хато ва хатарлидир.

Шундан кейин ибодатлардан мақсад фақат руҳий қиймат ва ахлоқдан мақсад фақат хулқий қиймат экани аён бўлади. Ибодат ва ахлоқ хусусида улардан кўзланган мана шу қийматгагина чекланиш лозим. Ибодат ва ахлоқдаги фойда ва манфаатларни баён қилиш жоиз эмас. Чунки бу баён ибодат ва ахлоқ учун хатарли бўлиб, ибодат қилувчилар ва хулқни ўзида мужассам этувчи-ларнинг мунофиқ бўлиб қолишига сабаб бўлади ҳамда

ибодат ва ахлоқнинг фойда ва манфаатлари кўринмаган пайтда уларни тарк қилишга олиб боради.

Одамларнинг ўзаро муносабатларидаги ишларига тааллуқли шаръий аҳкомларга келсак, уларга далил бўлиб келган айрим нусуслар иллатни ўз ичига олган – бани Назирдан тушган ўлжаларни ансорларга бермай, муҳожирларга бериш ҳақидаги Оллоҳ Таолонинг ушбу сўзи каби:

﴿تَمَّيْ لَا يَكُونُ دَوْلَةً بَيْنَ الْأَغْنِيَاءِ مِنْكُمْ﴾

– „Сизларнинг бойларингиз ўртасида қўлма-қўл бўлмаслиги учун“. [59:7]

Айрим нусуслар эса иллатни ўз ичига олмаган:

Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَحَلَّ اللَّهُ الْبَيْعَ وَحَرَّمَ الزَّيْوَ﴾

– „Оллоҳ байъни ҳалол ва судхўрликни ҳаром қилди“. [2:275]

Нусус қайси аҳкомларнинг иллатини баён қилган бўлса, фақат уларнинг иллати кўрсатилади ва уларга қиёс қилинади, қайси аҳкомларнинг иллатини баён қилмаган бўлса, уларнинг иллати мутлақо кўрсатилмайди ва уларга қиёс ҳам қилинмайди. Эътиборга олинадиган иллат фақат шаръий иллат, яъни Китоб ва Суннатдан иборат шаръий нусус кўрсатган иллатдир. Чунки Китоб ва Суннатгина шаръий нусусдир. Шунинг учун «иллати баён қилинган шаръий ҳукм» асосланган иллат ақлий эмас, шаръий иллатдир. Яъни иллат нусусда ё очиқ, ё далолатан, ё истинботан ёки қиёсан келган бўлиши лозим. Бу иллат борлик ва йўқликда иллатланган ҳукм билан бирга бўлади, яъни иллатланган аҳкомлар иллатлари билан доим бирга юради. Масалан, бирор нарса бир ҳолатда муайян шаръий иллат туфайли ман қилинганини ва бу иллат кетганда у нарса жоиз бўлиб қолганини кўрасиз. Демак, шаръий ҳукм борлик ва йўқликда иллат билан бирга юради, яъни иллат мавжуд бўлса, ҳукм ҳам мавжуд бўлади, иллат йўқ бўлса, ҳукм ҳам йўқ бўлади.

Лекин иллати кетгани учун ҳукмнинг бекор бўлиши ҳукм ўзгарди, дегани эмас. Зеро, муайян масаланинг шаръий ҳукми ўша-ўша, ўзгаргани йўқ, фақат иллати кетиши сабабли ҳукм йўқолган, иллат қайтиши билан ҳукм ҳам қайтади.

Ҳукмнинг борлик ва йўқликда иллат билан бирга бўлиши замон ва макон ўзгариши билан бу аҳкомларнинг ўзгаришини билдирмайди. «Фойдаларни юзага чиқариш ва зарарларни даф қилиш шаръий аҳкомларнинг иллати бўлиб, улар замон ва макон ўзгариши билан ўзгаради, уларнинг ўзгаришига қараб ҳукм ҳам ўзгаради», деган даъво хатодир. Чунки фойдаларни юзага чиқариш ва зарарларни даф қилиш шаръий аҳкомлар учун мутлақо иллат бўлмайди. Зеро, фойдаларни юзага чиқариш ва зарарларни даф қилиш шаръий аҳкомлар учун иллат эканига, ҳатто муайян

битта ҳукм учун ҳам иллат эканига далил бўладиган бирорта нусус келган эмас. Демак, улар шаръий далил бўлмайди.

Шаръий иллат фақат шаръий нусус далолат қилган иллатдир. Шунинг учун нусусга чекланиш ва унинг далолати доирасида тўхташ зарур. Нусус фойдани юзага чиқаришга ҳам, зарарни даф қилишга ҳам далолат қилган эмас. Демак, шаръий иллат фойдаларни юзага чиқариш ва зарарларни даф қилиш эмас, балки нусус келтирган нарса бўлади. Нусус олиб келган бу нарсага замон ва макон ҳам, бирор иш-ҳаракат ҳам далолат қилган эмас. Унга ҳукмнинг иллатини баён қилишда шаръий нусус далолат қилган. Нусус эса мутлақо ўзгармайди. Демак, бу ўринда фойдани юзага чиқариш ва зарарни даф қилишнинг, шунингдек, замон ва маконнинг ҳеч қандай эътибори йўқ.

Шунга биноан, шаръий аҳкомлар замон ва маконнинг ўзгариши билан ўзгармайди. Шаръий ҳукм ўша-ўша, замонлар ва маконлар ўзгарса ҳам, у ўзгармайди.

Шунингдек, одамлардаги урф-одатларнинг ўзгариши ҳукмнинг ўзгаришига таъсир этмайди. Чунки урф-одат ҳукмга иллат ҳам, асос ҳам эмас. Урф-одат шариатга зид бўлиши ёки зид бўлмаслиги мумкин. Агар у шариатга зид бўлса, шариат уни бекор қилиш ва ўзгартириш учун келган. Чунки бузуқ урф-одатларни ўзгартириш шариатнинг ишидир. Зеро, улар жамиятнинг бузилишига сабаб бўлади. Шунинг учун улар шаръий ҳукмга асос ҳам, иллат ҳам қилиб олинмайди ва шаръий ҳукм уларга қараб ўзгармайди. Агар урф-одат шариатга зид бўлмаса, шаръий ҳукм бу урф-одат асосида эмас, балки ўзининг шаръий далили ва иллати асосида қарор топади. Шунга кўра, урф-одат шариат устидан ҳакам қилинмайди, балки урф ва одатлар устидан шариат ҳакам қилинади. Демак, шаръий аҳкомларнинг далили нусус бўлиб, уларнинг шаръий иллати мавжуддир. Урф-одат мутлақо далил ҳам, иллат ҳам бўлолмайди.

Энди Исломий шариат барча замон ва макон учун яроқли эканига келсак, у шундан иборатки, Исломий шариат инсоннинг барча замон ва маконлардаги муаммоларини ўз аҳкомлари билан ечиб беради. Ислом шариати инсон муаммолари қанчалар янгиланмасин ва хилма-хил бўлмасин, уларнинг барчасининг ечимини ўз ичига олган. Чунки у инсон муаммоларини ечаётган пайтда инсонни бошқа сифатда эмас, инсон сифатида эътиборга олиб, унинг муаммоларини ечиб беради. Аммо инсон барча замон ва маконда ҳам ўзгармас ғариза ва узвий ҳожатларга эга бўлган инсондир. Шунингдек, унинг муаммоларини ечиб берадиган аҳкомлар ҳам ўзгармайди. Ўзгарувчи эса инсон ҳаётининг шакллари дир. Бу эса инсоннинг ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарига таъсир кўрсатмайди. Инсоннинг янгиланиб турувчи хилма-хил талаблари эса шу ғариза ва узвий ҳожатлардан келиб чиқади. Шариат бу янгиланиб турувчи ва хилма-хил талабларнинг шакллари қанчалар турли-туман ва ўзгарувчан бўлмасин, уларнинг ечимини қамраб олган. Бу эса фикҳнинг ўсиш сабабларидан

биридир. Лекин шариатдаги бу кенг қамров шариат ҳамма нарсага, гарчи у нарса шариатга зид келса ҳам, тўғри келаверадиган даражада мослашувчи ҳамда замон билан бирга ўзгарадиган даражада ривожланувчи, дегани эмас. Балки нусуслар бир неча аҳкомлар истинботини ўз ичига олган ҳамда аҳкомлар кўп масалаларга тўғри келишини ўз ичига олган, деганидир. Масалан, Оллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِنْ أَرْضَعْنَ لَكُمْ فَآتُوهُنَّ أَجُورَهُنَّ﴾

– „Агар талоқ қилган аёлларнингиз сизлар учун бола эмизсалар (яъни ўзларининг сизлардан бўлган болаларини эмизсалар), у ҳолда уларнинг эмизганликлари учун ҳақларини беринглар!“ [65:6]

Бу оятдан талоқ қилинган аёл эмизиш ҳақини олишга ҳақли, деган шаръий ҳукм истинбот қилинади. Яна шу оятдан ёлланувчи (келишув асосида ишлайдиган ишчи) ким бўлишидан қатъий назар ўз ишини бажарса, хоҳ «хос ёлланувчи» бўлсин, хоҳ «умумий ёлланувчи» бўлсин, иш ҳақини олишга ҳақли, деган шаръий ҳукм истинбот қилинади. Бу ҳукм бир неча масалаларга тўғри келади. Жумладан, ҳукумат хизматчиси, завод ишчиси, даладаги деҳқон ва шу кабилар ўз вазифаларини бажарганларида иш ҳақларини олишга ҳақлидирлар. Чунки улар «хос ёлланувчи»дирлар. Жавон ясаган дурадгор, кийим тиккан тикувчи, кавуш тиккан косиб ва шу кабилар ҳам ўз вазифаларини бажарганларида иш ҳақларини олишга ҳақлидирлар. Чунки улар «умумий ёлланувчи»дирлар. Ёллаш ёлловчи билан ёлланувчи ўртасидаги аҳд бўлгани сабабли, ҳоким ёллаш ҳукмига кирмайди. Чунки у уммат олдида ёлланувчи эмас, балки шаръий ҳукмларнинг ижрочиси, яъни Исломни татбиқ қилувчидир. Шунга биноан халифа ўз ишини бажаргани учун ҳақ олмайди. Чунки унга шариатни ижро қилиш ва исломий даъватни ёйиш учун байъат берилган. Демак, у уммат олдида ёлланувчи эмас. Шунингдек, ижройи ҳайъат аъзолари бўлмиш халифанинг муовинлари ва волийлар ҳам ўз ишларини бажарганлари учун ҳақ олмайдилар. Чунки уларнинг ишлари ҳукм юритишдир. Бинобарин улар ёлланувчи бўлмайдилар. Шунинг учун улар ҳақ олмайдилар, балки уларга шахсий ишларини қилолмаётганлари учун эҳтиёжларини қоплайдиган миқдорда маблағ белгиланади.

Нусусларнинг бир неча аҳкомлар истинбот қилиш имкониятини берадиган бундай кенг қамровлилиги ҳамда аҳкомларнинг кўп масалаларга тўғри келадиган бундай кенглиги Исломий шариатнинг ҳар бир замон ва макондаги барча уммат ва авлодларда учрайдиган ҳаёт муаммо-ларининг барчасини тўлиқ ечиб беришини кафолатлайди.

Шаръий ҳукмнинг далили бўлган нусус хоҳ Китоб, хоҳ Суннат бўлсин, у мавжуд муаммонинг муолажаси учундир. Чунки Шорей нусусларнинг зоҳирига чекланишни эмас, маъноларига эргашишни қасд қилган. Шунинг учун аҳкомларни истинбот қилишда ҳукмнинг иллат жиҳатига эътибор

берилади, яъни нусусдан ҳукм истинбот қилинаётганда нусусдаги ташриъий жиҳат эътиборга олинади.

Далил ё ҳукмнинг иллатини ўз ичига олган бўлади ёки иллат бошқа бир далилдан ёки далиллар мажмуидан олинади. Ҳукм гарчи ўз далилдан истинбот қилинса-да, унда иллат жиҳати эътиборга олинади. Ўша вақтда юз берган муаммони ечиш учун нусусда келган шаклга риоя қилинмайди. Бунинг мисоли Оллоҳ Таолонинг ушбу сўзидир:

﴿وَأَعِدُّوا لَهُمْ مَا اسْتَطَعْتُمْ مِنْ قُوَّةٍ وَمِنْ رِبَاطِ الْخَيْلِ تُرْهَبُونَ بِهِ عَدُوَّ اللَّهِ

وَعَدُوَّكُمْ﴾

– „Улар учун имконингиз борича куч ва эгарланган отларни тайёрлаб қўйингиз. Бу билан Оллоҳнинг ва ўзингизнинг душманларингизни қўрқувга солурсизлар“.

[8:60]

Бу оятдаги ҳукм куч тайёрлашдир. Юз берган муаммо куч, шу жумладан отларни жиҳодга тайёрлаш билан ҳал қилинади. Бу ҳукмдаги иллат жиҳати душманни қўрқувга солишдир. Бугунги кунда бу далилдан куч тайёрлаш ҳукмини истинбот қилаётганимизда ҳукмдаги иллат жиҳатини эътиборга олиб, душманни ҳақиқатда қўрқувга соладиган нарсаларни тайёрлаймиз. Ўша вақтдаги муаммонинг ечими бўлган ва нусусда келган «жиҳодга отларни тайёрлаш» ҳукмига риоя қилмаймиз.

Ҳукм истинбот қилинаётган ҳар бир далилга айнан шундай ёндашилади. Чунки мақсад ҳукмнинг иллат жиҳатини юзага чиқаришдир. Шунга биноан, Исломиё шариат одамлар ўртасидаги муомалаларга тааллуқли бўлган аҳкомларда ўз иллатларига асосланишини ҳамда аҳкомлар истинбот қилинаётганда нусусда келган шакл эмас, балки ташриъий жиҳат эътиборга олиншини тақозо қилади.

Китоб ва Суннатнинг матни ҳукмга шаръий далил бўлганидек, ижмо ва қиёс ҳам шаръий далиллардан ҳисобланади. Шунга биноан, шаръий аҳкомларнинг тафсилий шаръий далиллари Китоб, Суннат, ижмо ва қиёсдир. Аммо ижтиҳод масалаларидаги саҳобийнинг мазҳаби шаръий далил бўлмайди. Чунки саҳобий ҳам ижтиҳод аҳлидан бўлиб, ундан хато содир бўлиши мумкин. Бунинг устига, саҳобалар бир неча масалаларда ихтилоф қилиб, уларнинг ҳар бири ижтиҳодда иккинчисининг мазҳабидан бошқача йўл тутган. Агар саҳобийнинг мазҳаби ҳужжат қилинса, Оллоҳнинг ҳужжатлари хилма-хил ва қарама-қарши бўлиб қолади. Шу сабабли саҳобийнинг мазҳаби шаръий далил деб ҳисобланмайди, балки у ҳам бошқа мўътабар мазҳаблар каби амал қилиш жоиз бўлган мазҳабдир. Аммо саҳобалар иттифоқ қилган аҳкомлар уларнинг мазҳаби эмас, ижмодир.

Биздан олдинги умматларнинг шариати эса биз учун шариат ҳисобланмайди ва шаръий далиллардан деб эътибор қилинмайди. Гарчи

Исломий ақида пайғамбар ва элчиларнинг ҳаммаларига ва уларга туширилган китобларга иймон келтиришни вожиб қилса-да, лекин уларга иймон келтиришнинг маъноси уларнинг пайғамбар ва элчиликларини ҳамда уларга туширилган китобларни тасдиқлашдир. Уларга иймон келтиришнинг маъноси уларга эргашиб дегани эмас. Чунки Муҳаммад ﷺ пайғамбар қилиб юборилганларидан кейин барча одамлардан ўз динларини тарк қилиб, Исломи қабул қилиш талаб қилинган. Чунки Исломи динидан бошқа диннинг ҳеч қандай эътибори қолмаган.

Оллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ﴾

– „Оллоҳнинг даргоҳида мақбул дин Ислоmdir.“

[3:19]

Яна Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَنْ يَبْتَغِ غَيْرَ الْإِسْلَامِ دِينًا فَلَنْ يُقْبَلَ مِنْهُ﴾

– „Кимки Исломдан ўзга дин истаса, ундан бу дини қабул қилинмайди.“

[3:85]

Бу оятларнинг мазмуни очиқ-равшандир. Улардан «Биздан олдинги умматларнинг шариати биз учун шариат эмас», қоидаси истинбот қилинган. Бунинг далили – саҳобалар Муҳаммад ﷺ олиб келган шариат ўтган барча шариатларни бекор қилувчи эканига ижмо қилганларидир.

Чунки Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَنْزَلْنَا إِلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ مُصَدِّقًا لِمَا بَيْنَ يَدَيْهِ مِنَ الْكِتَابِ وَمُهَيْمِنًا عَلَيْهِ﴾

– „Сизга ўзидан олдинги китобларни тасдиқлагувчи ва улар устидан ҳукмрон бўлган бу Китобни ҳақ билан нозил қилдик.“

[5:48]

Ўтган китоблар устидан Қуръоннинг ҳукмронлиги ўтган шариатларни бекор қилишидир, чунончи Оллоҳ: «Уларни тасдиқлагувчи ва уларни бекор қилувчи қилиб нозил қилдик», демоқда. Пайғамбар ﷺ дан ривоят қилинади: «Расулulloҳ ﷺ Умар ибн Хаттоб Тавротнинг бир бўлагига қараб турганини кўриб ғазабландилар ва: **«Бунинг урнига оппоқ, соф Китобни келтирмадимми?! Агар биродарим Мусо тирик бўлганида, фақат менга эргашган булар эди»**, – дедилар». Бундан ташқари, Каъбани тавоф қилиш, Ҳажарул-Асвадни силаш ва ўпиш, Сафо ва Марва оралиғида саъй қилиш каби ҳаж маросимларидан кўпи жоҳилият даврида ҳам бўлган. Биз уларга амал қилиб, улар бўйича ибодат қилаётганимизда уларни олдинги шариатнинг маросимлари сифатида эмас, балки Исломи шариат аҳкомлари сифатида бажарамиз. Чунки Исломи бу маросимларни ўтган шариатларни тан олиб эмас, балки янги шаръий аҳкомлар сифатида олиб келди. Шунингдек, ўтган ҳамма динларда келган барча аҳкомларни бутунлай тарк этиб, фақат Исломи шариати олиб келган аҳкомларни адо қиламиз. Шунинг учун насроний ва яҳудийлар Исломи шариатига

чақирилиб, ўз шариатларини тарк қилишга буюрилганлар. Чунки Исломуларнинг шариатини бекор қилган. Модомики Ислому шариатига эргашиш ва ўз динини тарк қилиш ўз шариатига тобе бўлган яҳудий ва насронийларга вожиб экан, қандай қилиб мусулмондан ўтганларнинг шариатини ўзига шариат қилиб олиш талаб қилинади? Энди Оллох Таолонинг қуйидаги сўзига келсак:

﴿إِنَّا أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ كَمَا أَوْحَيْنَا إِلَىٰ نُوحٍ﴾

– „Биз Нухга ваҳий юборганимиз каби сизга ҳам ваҳий юбордик“, [4:163] бу оят Оллох Таоло бошқа пайғамбарларга ваҳий юборгани каби Муҳаммад ﷺ га ҳам ваҳий юборганини ифодалайди.

Оллох Таоло айтади:

﴿شَرَعَ لَكُمْ مِنَ الدِّينِ مَا وَصَّىٰ بِهِ نُوحًا﴾

– „Оллох Нухга буюрган динни сизлар учун шариат (қонун) қилди“. [42:13] Бунинг маъноси, Оллох асл тавҳидни, яъни Нух ﷺ га буюрган нарсани сизларга ҳам тузиб берди.

Оллох Таоло айтади:

﴿ثُمَّ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ أَنْ اتَّبِعْ مِلَّةَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا﴾

– „Сўнгра биз сизга Иброҳимнинг миллатига эргашинг деб ваҳий юбордик“. [16:123]

Бунинг маъноси «асл тавҳидга эргашинг» деганидир. Чунки миллат сўзининг маъноси асл тавҳиддир. Бу ва бу каби барча оятлардан мурад Пайғамбар ﷺ пайғамбарларнинг янгиси (биринчиси) эмас, балки у зот ҳам бошқалар каби пайғамбар қилиб жўнатилганини ва асл тавҳид ҳамма пайғамбар ва элчилар муштарак бўлган дин эканини баён қилишдир. Аммо тавҳиддан бошқасида ҳар бир пайғамбар алоҳида шариат билан жўнатилган.

Оллох Таоло айтади:

﴿لِكُلِّ جَعَلْنَا مِنْكُمْ شِرْعَةً وَمِنْهَاجًا﴾

– „Сизлардан ҳар бир Уммат учун алоҳида шариат ва йўл қилиб қўйдик“. [5:48]

Демак, биздан олдингиларнинг шариати биз учун шариат эмас ва аҳкомлар истинбот қилинадиган шаръий далиллардан деб эътибор қилинмайди.

Аслида шаръий аҳкомларни истинбот қилиш мужтаҳидларга хос ишдир. Чунки муайян масаладаги Оллохнинг ҳукмини билиш фақат ижтиҳод билан бўлади. Шунинг учун ижтиҳод зарурдир. Усул олимлари ижтиҳод мусулмонларга фарзи кифоядир, деб баён қилганлар. Бирор аср мужтаҳиддан холи бўлиши жоиз эмас. Агар ҳамма мусулмонлар ижтиҳодни

тарк қилишга иттифоқ қилишса, гуноҳкор бўладилар. Чунки шаръий аҳкомларни билиш йўли фақат ижтиҳоддир. Агар бирор аср аҳкомларни билишда суяниш мумкин бўладиган мужтаҳиддан холи бўлса, бу шариятга амал қилишнинг тўхтаб қолишига ва аҳкомларнинг йўқолиб кетишига олиб боради. Бу эса жоиз эмас. Бироқ, ижтиҳоднинг бир неча шартлари бўлиб, уларни усул олимлари батафсил баён қилишган. Ижтиҳод кенг билим, нусусларни тўғри тушуниш, араб тилини етарли билиш ҳамда шаръий масалаларни билиш ва уларнинг далилларидан хабардор бўлишга муҳтож бўлади.

Шунинг учун ҳукми ўйланмасдан, диққат билан кўриб чиқмасдан олиш истинбот дейилмайди. Шунингдек, бирор ҳукмда манфаат кўриниб қолиб, кейин шу ҳукми истинбот қилиш учун нусусларга нисбатан ҳийла ишлатиш ва улардан кўзланмаган нарсаларни уларга юклаш ижтиҳод дейилмайди. Балки бу нарса Оллоҳнинг динига қарши журъат қилиш бўлиб, бунга қадам қўйган одам Оллоҳнинг азобиغا гирифтор бўлади.

Тўғри, ижтиҳод эшиги очиқ, лекин у нодонлар учун эмас, олимлар учун очиқдир. Мужтаҳидлар уч хил бўлади: мужтаҳиди мутлақ ва мужтаҳиди мазҳаб – бу иккисининг ўзига хос шартлари бор. Учинчиси эса битта масала мужтаҳиди бўлиб, у нусусни тушунишга, битта масаланинг ўзини, унинг далилини, у ҳақдаги мужтаҳидларнинг далилини текширишга қодир бўлган шахсдир. Бу эса Оллоҳнинг аҳкомларини билишни кўзлаган ҳар бир мусулмон учун лозимдир. Чунки аслида, шариат кўрсатмаси бўйича, мусулмон шаръий ҳукми далилдан бевосита ўзи олиши, яъни ўзига керак бўлган масалаларда мужтаҳид бўлиши лозим.

Лекин мужтаҳидларнинг мазҳаблари ёзилиб, китоб қилинганидан ҳамда қоида ва аҳкомлар тўпланганидан кейин дилларда ижтиҳод тушунчаси заифлашиб, мужтаҳидлар камайиб кетди. Натижада мусулмонларда тақлид кучайди ва ижтиҳод нодир ҳодисага айланиб қолди. Ҳатто тақлид тушунчаси кучайиб шу даражага етдики, «ижтиҳод эшигини ёпиш ва тақлид қилиш вожиб», дейдиган кишилар пайдо бўлди. Шу сабабдан ҳаммалари бўлмаса-да, мусулмонларнинг аксарияти муқаллид (тақлид қилувчи)ларга айланиб қолди.

Муқаллид икки хил бўлади: муттабиъ ва омий. Буларнинг ўртасидаги фарқ шуки, муттабиъ мужтаҳидлардан бири истинбот қилган ҳукми ўша мужтаҳид суянган далилга қаноат ҳосил қилганидан кейин олади. Далилини билмай туриб унга эргашмайди. Омий эса далилини суриштирмасдан, шаръий ҳукмда мужтаҳидга тақлид қилади. Муттабиъ омийдан кўра яхшироқдир. Аввалги-ларнинг аксарияти далилларга аҳамият берганлари учун муттабиъ бўлганлар. Қолоқлик асри келиб, одамларнинг муттабиъ бўлиши қийинлашгач, одамлар аҳкомларда имом ва мужтаҳидларга далилини суриштирмасдан тақлид қила бошладилар. Олимларнинг бу нарсаларга сукут қилганларининг сабаби шуки, тақлид қилиш – муқаллид хоҳ муттабиъ, хоҳ омий бўлсин – жоиз ишдир. Бироқ,

аслида мусулмон ҳукми далилдан ўзи олиши керак. Лекин унинг тақлид қилиши жоиз. Муттабиъ бўлиши ҳам жоиз, яъни ҳукми ва унинг далилини билиб, унга қаноат ҳосил қилиши жоиз. Бу ҳол мусулмонни – бир масалада бўлса-да – ижтиҳод қилишга лаёқатли қилади. Ҳозирги кунда бизга зарур бўлган нарса шудир. Фатволар бир масаладаги ижтиҳод бобидан эмас, чунки улар ижтиҳод бобига кирмайди. Балки улар фикҳ соҳасида китоб битишнинг энг саёз услубидир. Бунинг изоҳи шуки, мужтаҳидлар асридан кейин шогирдларининг ва шогирдлари шогирдларининг асри келди. Улар мазҳаб раёйларини шарҳлаш, унинг қоидаларини баён қилиш ва раёйларини тартиблаштириш билан шуғулландилар. Бу аср фикҳнинг гуллаб-яшнаган асри ҳисобланади. Унда фикҳнинг турли мазҳаблардаги мўътабар фикҳий китоблари битилган. Бу китоблар фикҳий масалаларда мурожаат қилинадиган асосий манба ҳисобланади. Бу ҳолат VII ҳижрий асргача давом этди. Сўнг фикҳий қоқоқлик асри келди. Бу аср шарҳлар ва ҳошиялар ёзиш асри бўлиб, уларнинг кўпи янгилик киритиш, истинбот ва ҳатто бир масалада ижтиҳод қилишдан ҳам холи бўлди. Бундан кейин янада қоқоқроқ аср келди. Бу даврда олимлар масала ва аҳкомларнинг вужуҳ ва фуруъларини келтирмасдан, уларнинг ўзини келтириш йўлидан юрдилар. Бу масалалар фатволар деб номланди. Шунинг учун бу фатволарни шаръий аҳкомлар учун манба қилиб олиш дуруст бўлмаганидек, уларни қонунлар учун ҳам манба қилиб олиш дуруст эмас. Чунки улар аҳкомларни истинбот қилишдаги ижтиҳод тариқатидан йироқдир.

Шунингдек, тақнин (шаръий аҳкомларни Фарб қонунлари шаклида бериш) усулида ёзилган манбаларни шаръий аҳкомлар учун манба ва асос қилиб олиш ҳам жоиз эмас. Чунки у Фарб қонунларига тақлид қилишнинг бир кўринишидир. Бу тақнин фикҳни қисқа шаклда келтиради. Унда далилсиз ёки далили заиф фикҳий масалаларни келтириш кўп учрайди. Шунингдек, фатво ва тақнинда замонга мослашиш ҳамда муаммоларни ҳал қилишда Фарб нуқтаи назарига мувофиқ келиш учун таъвил қилиш руҳи устундир. Қолаверса, уларда ташриъий жиҳат ва ижтиҳод ҳам йўқ. Бинобарин, улар татбиқ қилиш учун яроқсиз бўлганидек, манба бўлишга ҳам яроқсиздир. Уларнинг борлиги фикҳ ва ташриъ учун бало бўлди. Чунки улар тақлидий уринишлар бўлиб, одамларнинг исломий фикҳга оид билимларини заифлаштирди. Ҳолбуки исломий фикҳдаги бойлик жуда катта бўлиб, у барча халқлардаги фикҳий бойликлардан кўпдир. Бу фикҳий бойлик қози ва ҳокимлар учун жуда зарурдир. Лекин бу бойликни қонун суратида тақлидий шаклда тузиш уни қисқартириб ўчириб ташлади ва қозиларни – шу қонунларнинг ўзини билишга чекланганлари сабабли – фикҳда билимсиз қилиб қўйди. Бундан ташқари, бу қонунларда қонуний шакл йўқ. Чунки улар баъзи фикҳий хулосалар тўплами бўлиб, кетма-кет рақамлар остида келтирилган. Уларда масалалар бўйсунадиган ва моддаларнинг мавзуси бўладиган умумий қондаларни ижод қилишга

ҳаракат қилинмаган, балки масалаларнинг ўзи модда қилиб қўйилган. Бу эса қонун тузиш усулига зиддир. Ҳатто қоидалар ҳақида келган баъзи моддалар умумий бўлмаган қоидаларни баён қилган бўлиб, улар фикҳ китобларидан кўчирилган таърифлардир, холос. Уларнинг ҳаммаси деярли шу усулда бўлган. Шунинг учун бу қонунларни олиш ва манба қилиш жоиз эмас. Чунки уларнинг услуби яроқсиз, маълумотлари саёз ва тафсилый далилларга таянган эътиборли шаръий аҳкомлардан узоқдир.

Қози ва ҳокимлар дустур ва қонунларни тушунишларини таъминлаш ва қонунларни тузиш учун қонунчиликда қўйидагича йўл тутилади:

1. Инсоний муаммолар ўрганилиб, улар учун умумий (куллий) қоидалар шаклида ёки куллий шаръий аҳкомлар шаклида бўладиган умумий дустур тузилади. Бу қоида ва аҳкомлар исломий фикҳдан олинган бўлиши шарт, яъни улар далилларини билиб, бу далилларга қаноат ҳосил қилиш билан мужтаҳидлардан бирининг раъйдан олинishi ёки Китоб ва Суннатдан ижмо ёки қиёс йўли билан олинishi шарт. Лекин жузъий ижтиҳод, яъни бир масаладаги ижтиҳод бўлса ҳам, шаръий ижтиҳод билан бўлсин. Ҳар бир моддадаги зарурий сабаблар ҳақида шу модда таянган мазҳаб ва унинг далилига ёки модда истинбот қилинган далил таъкидлаб ўтилади. Мусулмонлардаги ёмон воқеликка ҳам, бошқа умматларнинг воқелигига ҳам, ғайриисломий низомларга ҳам мутлақо қаралмайди.

2. Шаръий аҳкомлар мазҳаб ва далилни таъкидлаш билан юқоридаги асосга биноан дустурга мувофиқ қилиб уқубат, ҳуқуқ, баййинот ва бошқа соҳаларга оид қонунлар учун лойиҳа сифатида ишлаб чиқилади. Шу шарт биланки, қози ва ҳокимларга фикҳий манба бўлиши учун ифода умумий қоидалар кўринишидаги қонун шаклида бўлиши керак.

3. Шаръий нусуслар, исломий фикҳ ва усули фикҳ илми қози ва ҳокимларга дустур ва қонунни шарҳлаш учун манба қилинади, токи улар учун чуқур тушуниш воситалари муҳайё бўлсин.

Қози давлат табанний қилган шаръий аҳкомларга хилоф ҳукм юритиши мумкин эмас. Чунки имомнинг буйруғи зоҳирида ҳам, ботинида ҳам ижро қилинади. Аммо давлат ҳукмини табанний қилмаган масалаларда эса қози хоҳ бирор мужтаҳиднинг раъйи бўлсин, хоҳ ўз ижтиҳоди билан истинбот қилган раъй бўлсин, масалага мувофиқ деб топган шаръий ҳукм билан ҳукм чиқаради.

4. Аҳкомларни истинбот қилиш ва табанний этиш вақтида воқени тушуниш, уни чуқур билиш ва муолажа қилишда зарур бўлган вазифани шаръий далил асослаган ҳолда тушуниш, яъни шу воқеда ижро қилинадиган Оллоҳнинг ҳукмини тушуниш кўзда тутилади. Кейин ҳукм воқега татбиқ этилади. Бошқача ибора билан айтганда, воқени ўрганиш ва уни чуқур англаш орқали Оллоҳнинг ҳукмини ўрганишга эришилади.

Давлат – мусулмон ёки ғайримусулмонлигидан қатъий назар – ўзининг барча фуқароларига Исломий шариатни ижро қилади. Аммо ғайримусулмонлар эътиқод ва ибодатларда ўз ҳолларига ташлаб қўйилади.

Озиқ-овқат ва кийиниш ишларида умумий низом доирасида улар ўз динларига мувофиқ муомала қилинадилар. Уйланиш ва ажралиш каби шахсий ҳолат ишлари улар ўртасида ўз динларига мувофиқ ажрим қилинади. Аммо Исломиё шариатдаги қолган ишлар, яъни муомала ва уқубат аҳкомлари, ҳокимият ва иқтисод низоми ва бошқалар ҳаммага бир хилда ижро қилинади. Аммо мусулмонларга нисбатан Давлат Исломиё шариатни тўлалигича – ибодат, ахлоқ, муомала, уқубат ва бошқаларни ижро қилади. Давлатнинг вазифаси Исломиё тўлалигича татбиқ қилишдир, ғайримусулмонларга татбиқ қилиш эса уларни Исломга даъват этиш деб эътибор қилинади. Чунки шариат бутун инсоният учун умумий бўлиб, давлат уни ўз ҳукми остидаги ҳар бир юртда даъватни ёйиш учун татбиқ қилади. Зеро, исломиё фатҳларнинг сири фақат исломиё даъватни ёйишда бўлган.

Ислом – ўзидан низом келиб чиқадиган ақидадир. Бу низом тафсилий далиллардан истинбот қилинган шаръий аҳкомлардан иборат. Ислом бу низомнинг аҳкомлари ижро қилинадиган кайфиятни шаръий аҳкомлар билан баён қилган. Ижро қилиш кайфиятини баён қиладиган шаръий аҳкомлар тариқат, ундан бошқалари эса фикратдир. Демак, Ислом фикрат ва тариқатдан иборатдир. Ақида ва инсон муаммоларини муолажа қиладиган шаръий аҳкомлар фикрат, бу ечимларни ижро қилиш, ақидани муҳофаза қилиш ва даъватни ёйиш кайфиятини баён қиладиган шаръий аҳкомлар эса тариқатдир. Шунинг учун Ислом тариқати Ислом фикратига ҳамжинс ва Исломнинг ажралмас бир қисмидир. Бинобарин, Исломга даъват қилишда унинг фикратини баён қилишнинг ўзига чекланиш жоиз эмас, балки даъват тариқатни ҳам ўз ичига олиши лозим. Шунинг учун мабда фикрат ва тариқатнинг мажмуидан иборатдир. Фикратга иймон келтириш каби тариқатга ҳам иймон келтириш лозимдир. Демак, тариқат билан фикрат бўлинмас бир бутун бўлиши ва бир-бирига чамбарчас боғланиши лозим, токи Исломиё фикратни ижро этишда фақат Исломиё тариқат қўллانسин ва бу иккисининг мажмуи у билан бошқариладиган ва унга даъват этиладиган Ислом бўлсин. Модомики тариқат шариатда мавжуд экан, тариқат хусусида фақат шариат олиб келган ва унинг нуусларидан истинбот қилинадиган аҳкомларга чекланиш лозим. Китоб ва Суннатда фикрат аҳкомлари келганидек, тариқат аҳкомлари ҳам келган. Оллоҳ Таолонинг ушбу сўзи тариқат аҳкомларидандир:

﴿وَأَمَّا خِفَافٌ ۖ مِنْ قَوْمٍ خِيَانَةً فَانْبِذْ إِلَيْهِمْ عَلَىٰ سَوَاءٍ﴾

– „Агар бир қавмнинг аҳдга хиёнат қилишидан қўрқсангиз, сиз ҳам аҳдни бузинг“.

[8:58]

Шунингдек, Расулulloҳ ﷺнинг қўйидаги сўзлари ҳам тариқат аҳкомларидандир: **«Душманга йўлиқишни орзу қилманглар,**

Йўлиққанларингизда эса сабот-матонатли булинглар». Шундай қилиб, тариқатнинг барча аҳкомлари ҳам бошқа аҳкомлар каби Китоб, Суннат, ижмо ва қиёсдан ижтиҳод йўли билан истинбот қилинади. Суннат Китобни баён қилувчи бўлгани учун фикрат Китобда мужмал, Суннатда муфассал келган. Тариқат ҳам Қуръонда мужмал, Суннатда муфассал келган. Шунинг учун саййидимиз Муҳаммад ﷺни ўзимиз учун ҳидоят машъали қилиб, тариқат аҳкомларини Қуръондан олганимиз каби у зотнинг сийратларидаги мавжуд амаллари, сўзлари ва сукутларидан ҳам олишимиз лозим, чунки буларнинг барчаси шариатдир. Шу билан бирга, сийратни тушунишда Хулафои Рошидин ва барча саҳобаларни ўзимиз учун ўрнак қилиб олишимиз ҳамда шариат кўрсатмалари доирасида ақлимизни тушуниш ва истинбот қилиш учун кучли қурол қилиб олишимиз лозим.

Ижро қилиш кайфиятини баён қиладиган шаръий аҳкомлар амалларга далолат қилади. Бинобарин бу амалларнинг татбиққа тааллуқли-ларини ҳам, даъватни ёйишга тааллуқлиларини ҳам бажариш зарур. Бу амаллар воситалар эмас, чунки восита амални бажариш асносида қўлланадиган қурол бўлиб, амалларнинг турига қараб турлича бўлади, шароитларга мувофиқ ўзгаради ва уни амалнинг тури белгилайди. Шунинг учун воситада муайян ҳолатга чекланилмайди. Аммо тариқат далолат қилаётган амаллар ўзгармайди, балки улар нусуснинг далолатига мувофиқ бажарилади. Шариат баён қилган амалдан бошқа амални бажариш жоиз эмас. Шунингдек, амал шаръий ҳукм баён қилган ўриндан бошқа ўринда бажарилмайди.

Тариқатга тааллуқли шаръий аҳкомлар далолат қилган бу амалларга диққат билан қараган одам улар ҳис қилинмайдиган натижани юзага чиқарадиган амаллар эмас, балки ҳис қилинадиган натижаларни юзага чиқарадиган моддий амаллар эканини кўради, гарчи амалларнинг бу икки нави битта қийматни юзага чиқарса ҳам. Масалан, дуо руҳий қийматни рўёбга чиқарадиган амалдир. Жиҳод ҳам руҳий қийматни рўёбга чиқарадиган моддий амалдир. Лекин дуо моддий амал бўлса-да, ҳис қилинмайдиган натижа, яъни савобни юзага чиқаради, гарчи дуо қилувчининг мақсади руҳий қийматни рўёбга чиқариш бўлса ҳам. Жиҳод бундан ўзгачадир. Чунки у душманлар билан урушиш бўлиб, бу ҳис қилинадиган натижа, яъни қалъа ёки шаҳарни фатҳ қилиш ёки душманни ўлдириш ва шу кабиларни юзага чиқарадиган моддий амалдир, гарчи мужоҳиднинг мақсади руҳий қийматни рўёбга чиқариш бўлса ҳам. Демак, тариқат амаллари моддий амаллар бўлиб, ҳис қилинадиган натижаларни юзага чиқаради ва бошқа амаллардан фарқ қилади. Шунинг учун мужоҳид Оллоҳга дуо қилса-да, дуонинг ўзини жиҳод учун тариқат қилиб олмайди. Худди шу сингари, ўғрига ваъз-насиҳат қилинса-да, ваъзнинг ўзи ўғрини қайтариш учун тариқат қилиб олинмайди.

Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَقَاتِلُوهُمْ حَتَّى لَا تَكُونَ فِتْنَةٌ وَيَكُونَ الدِّينُ كَلَهُمُ اللَّهُ﴾

– „То бирор фитна (ширк, диндан чалғитиш) қолмай, бутун дин Оллоҳ учун бўлгунига қадар улар билан жанг қилинглар“. [8:39]

Оллоҳ Таоло айтади:

﴿وَالسَّارِقُ وَالسَّارِقَةُ فَاقْطَعُوا أَيْدِيَهُمَا﴾

– „Ўғри эркакнинг ҳам, ўғри аёлнинг ҳам қўлларини кесинглар“. [5:38]

Шунинг учун Ислому фикратини ижро қилиш кўзланадиган барча амаллар ҳис қилинмайдиган натижани юзага чиқарадиган амаллардан иборат бўлиши бутунлай инкор қилинади ва бу Ислому тариқатига зид деб ҳисобланади. Бу ўринда муаммоларни ҳал қилишга тааллуқли аҳкомларнинг ижроси учун ишлатиладиган амаллар билан исломий даъватни ёйиш учун ишлатиладиган амаллар ўртасида фарқ йўқ. Масалан, намоз фикратдан ҳисобланади ва уни ижро қилиш тариқати давлатдир. Бинобарин, давлат одамлар намозни адо қилишлари учун тариқат сифатида фақат таълим ва тавжиҳни қўллаши жоиз эмас. Давлат таълим ва тавжиҳни олиб бораётган бўлса ҳам, намозни тарқ қилувчини қамаш каби моддий жазо билан жазолаши лозим. Исломуий даъватни ёйиш ҳам шунга ўхшайди. Чунки у ҳам фикрат бўлиб, уни давлат тарафидан ижро қилиш тариқати жиҳод, яъни душманлар билан жанг қилишдир. Бинобарин давлат даъват олдидаги моддий тўсиқларни олиб ташлашда «Саҳиҳи Бухорий»ни ўқишни қўллаши жоиз эмас, балки жиҳодни, яъни душманлар билан моддий суратда жанг қилишни қўллаши зарур. Барча амалларга шундай ёндашилади.

Бироқ шу нарса маълум бўлиши лозимки, гарчи тариқатга далолат қилган амал ҳис қилинадиган натижага эга бўлган моддий амал бўлса-да, бу амал Оллоҳнинг амру наҳийлари асосида юритилиши ва уни Оллоҳнинг амру наҳийлари асосида юритишдан Оллоҳнинг розилиги кўзланиши лозим. Шунингдек, мусулмоннинг зеҳнида Оллоҳ Таолога алоқадорликни идрок қилиш ҳукмрон бўлмоғи зарур. Токи у Оллоҳга Қуръон тиловат қилиш, намоз, дуо ва шу каби амаллар билан яқин бўлсин. Мусулмон галаба Оллоҳ томонидан келади, деб эътиқод қилиши лозим. Бунинг учун қалбларда Оллоҳнинг аҳкомларини ижро қилиш учун мустаҳкам ўрнашган тақво бўлиши зарур. Шу билан бирга дуо қилиш, Оллоҳни зикр қилиш зарур ва барча амалларни бажариш пайтида Оллоҳ билан доимий суратда боғланиш ҳам зарур.

Бу фикрлар тариқат ҳақида, у сўзсиз риюя қилишимиз ва қарши чиқмаслигимиз лозим бўлган шаръий аҳкомлар эканлиги ҳақидадир. Шунингдек, бу фикрлар амаллар ҳақида ва улар ҳис қилинадиган натижаларни юзага чиқарадиган амаллар экани ҳақидадир. Аммо натижаларга етишда эса амалий қондага эргашмоқ лозим. Амалнинг фикр

устига қурилиши ва муайян ғоя учун бўлиши амалий қоидадир. Яъни, воқени ҳис қилиш собиқ маълумотлар билан биргаликда фикр ҳосил қилиши зарур. Бу фикр амал билан бирга бўлиши, фикр ва амал муайян ғоя учун бўлиши ва уларнинг барчаси иймонга асосланган бўлиши лозим. Токи инсон доимо иймоний муҳитда юрсин. Амални фикрдан ёки муайян ғоядан ёки иймондан ажратиш мутлақо жоиз эмас. Чунки бу ажратишда – у қанчалар оз бўлмасин – амалнинг ўзига, амалнинг натижаси ва унинг доимийлигига хатар бор. Шу сабабли, амалга киришаётган ҳар бир шахсга уни бошлаш учун муайян ғоя тушунарли ва равшан бўлиши керак. Ҳис қилиш мантиқи асос бўлиши лозим, яъни тушуниш ва фикр юритиш хаёлий масалалар ҳақидаги қуруқ фаразлардан эмас, балки ҳис қилишдан келиб чиқиши ва воқени ҳис қилиш мияга таъсир этиб, собиқ маълумотлар билан бирга мия ҳаракатини, яъни фикрни вужудга келтириши зарур. Чуқур фикрлашни ва натижали амални юзага келтирадиган усул шудир. Ҳис қилиш мантиқи фикрий ҳис қилишга, яъни инсондаги фикр кучайтирадиган ҳис қилишга олиб боради. Шунинг учун даъватни олиб борувчи-ларнинг ҳис қилиши даъватни чуқур тушунганларидан кейин аввалги ҳис қилишларидан кўра кучли бўлади.

Ҳис қилишдан фикрга эмас, бевосита амалга ўтиб кетиш хатарлидир. Чунки бу нарса воқени ўзгартирмайди, балки инсонни қолоқ ақلياتда яшайдиган ва воқени фикр юритиш ўрни эмас, фикр юритиш манбаи қилиб оладиган воқеий (реалист) ва қолоқ (реакционер) инсонга айлантириб қўяди. Бинобарин ҳис қилиш аввало фикрга олиб бориши, сўнгра бу фикр амалга олиб бориши зарур. Бу услуб воқедан юқори туришга ҳамда яхши ҳолатларга инқилобий равишда кўчиш учун иш олиб боришга имкон беради. Воқени ҳис қилиб, бевосита амалга киришадиган киши воқени ўзгартира олмайди, балки унинг амали ўзини воқега мувофиқ шакллантиришдан иборат бўлади. Натижада у қолоқ ва тубан ҳолда қолади. Воқени ҳис қилиб, сўнг уни ўзгартириш кайфияти ҳақида фикрлаб, кейин шу фикр асосида амал қиладиган киши воқени ўз мабдасига мувофиқ шакллантиради ва уни бутунлай ўзгартиради. Бу усул исломий ҳаётни қайта бошлашнинг ягона тариқати бўлган инқилобий тариқатнинг айнан ўзидир. Чунки бу тариқат фикр ҳис қилишдан келиб чиқишини ва бу фикр зеҳнда фикрат ва тариқатнинг ҳандасий шаклини чизиб берадиган даражада тиниқ бўлишини тақозо этади. Натижада инсон мабдани тўғри идрок қилади. Бу идрок уни амалга олиб боради, ҳатто фикрда тўлиқ инқилоб юзага келади. Шунда у шахслар, жамиятлар ва муҳитларни шу фикр билан тайёрлашга киришади. Токи мабда – фикрат ва унинг тариқати – ҳақида оммавий онг вужудга келгандан сўнг раъйи омма инқилоб пайдо бўлсин. Шундан сўнг ҳокимият орқали мабдани инқилобий равишда татбиқ қилишга киришилади, татбиқ этишда ҳеч қандай тадрижийлик ёки «ямоқ солиш» қабул этилмайди. Ушбу инқилобий тариқат фикр ҳис қилишдан

келиб чиқишини ва амал билан бирлашиб, муайян ғоя учун бўлишини талаб қилади. Бунга фақат чуқур фикргина олиб боради.

Бу чуқур фикр уни вужудга келтирадиган ёки ўстириб бойитадиган нарсага муҳтож бўлади. Инқилобий тариқат шахсларни ва жамиятни исломий мабда асосида тайёрлашга муҳтож бўлади. Бу чуқур фикрни вужудга келтириш ва шахсларни мабда асосида тайёрлаш амал қилишни хоҳловчи кишилардан Ислом ҳамда жамиятни ўрганишларини талаб қилади. Бу фақат зеҳни маълумотлар билан бойитиш орқали амалга ошади. Фикрни вужудга келтиришга ёрдам бериши учун бу маълумотларни зеҳнга етказишнинг энг осон ва яқин йўли ўрганишдир.

Ўрганишда Исломнинг ўзига хос тариқати бор. Унга риоя қилиш бу ўрганишни самарали қилади. Бу тариқат шундан иборатки, маълумотлар амал қилиш учун ўрганилиши ва ўрганувчи уларни фикрлаб ҳамда таъсирли, яъни туйғуларига таъсир кўрсатадиган суратда қабул қилиши лозим, токи унинг ҳаётни ва ҳаёт вазифаларини ҳис қилиши таъсирли фикрдан келиб чиққан ҳис бўлсин. Ҳатто бир вақтнинг ўзида ўрганувчида жўшқинлик, шижоат, фикр ва бой маърифат вужудга келсин ҳамда татбиқ табиий натижага айлансин. Ўрганишдаги бу тариқат ўрганувчида тушунишни ва тушунган нарсаларни таъсирли шаклда етказиш лаёқатини пайдо қилишдан ташқари, бу тариқат фикрни кенгайтиради, фикрни туйғу билан боғлайди ва ўрганувчига ҳаёт муаммоларини муолажа қиладиган ҳақиқатларни ўргатади. Шу сабабли ўрганиш қуруқ билим орттириш учун бўлиб қолмаслиги лозим, токи ўрганувчи ҳаракатланадиган китобга ўхшаб қолмасин. Шунингдек, у фақат мавъиза ва йўлланмалардан иборат бўлиб қолмаслиги ҳам лозим. Акс ҳолда ўрганиш иймон ҳароратидан холи бўлган юзаки ўрганиш бўлиб қолади. Исломни ўрганувчи ўрганиш фақат билим ва мавъизалардан иборат деб ҳисобламаслиги, балки ўрганишнинг билим ва мавъизалар бўлиб қолишини амал учун хатарли ва ундан чалғитувчи омил, деб ҳисоблаши лозим.

Амалдан кўзланган ғояга етишмоқ учун у: «Бу ғояга етишиш жиддийлик ва аҳамиятга ҳамда Ислом вазифалари билан бирга ҳизбий бурч талаб қиладиган вазифаларга боғланишга муҳтож бўлади», деб тасаввур қилиниши лозим. Исломнинг салбий ва ижобий муайян вазифалари бор. Улар молиявий, жисмоний ва нафсий таклифлардан иборатдир. Бу вазифаларнинг баъзилари ҳар бир шахс учун фарз ва вожиб бўлса, баъзилари фарз ва вожиблардан бошқа бўлиб, уларни руҳий ва ақлий юксакликка эришганлар ихтиёрий равишда бажарадилар. Улар Оллоҳ Таолога яқинликлари янада зиёда бўлишини хоҳлаган одамлардир. Бу вазифаларни бажариш ғояга етишмоқ учун зарурдир. Шунинг учун фарз қилинган вазифаларнинг барча (яъни молиявий, жисмоний ва нафсий) турларини бажаришга нафсни тайёрлаш ва мажбур қилиш лозим. Токи ғояга етишиш умиди пайдо бўлсин.

Амал натижали бўлиши учун у бошланадиган жойни ва уни бошлаб берадиган жамоани белгилаб олиш зарур. Тўғри, Ислом оламшумул дин бўлиб, у бутун инсониятга бирдек қарайди ва барча одамларни баробар деб ҳисоблайди. Даъватда муҳитлар, жойлар, тупроқ ва шу каби нарсаларнинг ҳар хил бўлишига аҳамият бермайди. Балки барча одамларни даъватни қабул қилишга яроқли, деб ҳисоблайди ва мусулмонларни бутун инсониятга бу даъватни еткашизга жавобгар, деб эътибор қилади. Лекин, шундай бўлишига қарамасдан, Ислом амални бутун оламда бошламайди. Чунки амални бундай бошлаш муваффақиятсиз иш, деб ҳисобланади ва умуман натижага олиб бормайди. Балки амал шахсдан бошланиб, оламда ниҳоясига етиши керак. Шунинг учун даъват мустаҳкам ўрнашган жой «бошланиш нуқтаси» бўлиши учун даъватни у ерда кўтариб чиқиш керак. Сўнгра даъват мустаҳкам ўрнашган у ёки бошқа жойлар даъват ўз йўлида ҳаракат қиладиган «ҳаракат нуқтаси» қилиб олинади. Кейин бу ёки бошқа жойлар давлат қуриладиган «марказий нуқта» қилиб олинади. Бу давлатда даъват мустаҳкам ўрнашиб, ўзининг табиий йўли – жиҳод йўлига тушиб олади. Лекин жойлар ҳар бир нуқтадаги амал ўрни қилиб олинган бўлса-да, бироқ бир нуқтадан иккинчи нуқтага кўчаётган нарсга жой эмас, даъватдир. Демак, даъват бир вақтнинг ўзида иш олиб борилаётган барча жойларда кўчиб юради. Гарчи бошланиш нуқтаси бўлиши, сўнгра ёйилиш нуқтаси ва марказий нуқта вужудга келиши учун муайян жойни белгилаб олиш лозим бўлса-да, бироқ бу уч нуқтанинг ҳар бирида жойни белгилаш инсон ҳукмрон бўлган доирага кирмайди. Чунки инсон бундай имкониятга эга эмас ва эга бўла олмайди ҳам. Зеро у инсоннинг устидан ҳукмрон бўлган доирага қиради. Инсоннинг вазифаси фақат у ўзи ҳукмрон бўлган доирадаги амалларнигина бажаришдир. Аммо бошқа доирадаги амаллар Оллоҳнинг хоҳиши ва қазосига мувофиқ равишда бўлади.

Зеҳнида даъватнинг биринчи учқуни пайдо бўлган ҳамда даъватни кўтариб чиқиш учун Оллоҳ тайёрлаган шахс бор жой бошланиш нуқтаси қилиб тайин этилади. Баъзан бир неча шахслар бу сезгиларни ҳис қиладилар, лекин даъватни ёйиш учун Оллоҳ тайёрлаган шахснинг кимлиги ўзи юзага чиқмагунича маълум бўлмайди. У бор жойда даъват бошланади ва бу жой бошланиш нуқтаси бўлиб қолади.

Аммо ҳаракат нуқтаси жамиятларнинг тайёрлигига боғлиқ бўлади. Чунки жамиятлар фикрлар, туйғулар ва қонунларда бир-бирдан фарқ қилади. Жамият яроқли ва муҳит мувофиқ бўлган жой ҳаракат нуқтаси бўлади. Кўпинча бошланиш нуқтаси бўлган жой, гарчи зарурий бўлмаса-да, ҳаракат нуқтаси ҳам бўлади. Чунки ҳаракат учун энг яроқли жой сиёсий ва иқтисодий зулм кучайган ҳамда динсизлик ва бузуқлик авж олган жойдир.

Таянч нуқтаси ҳам даъватнинг жамиятдаги ютуғига боғлиқ бўлади. Даъват ўз жамиятига таъсир қилмаган ва ўзи учун муносиб муҳитни вужудга келтира олмаган жой – мабдани ёювчилар сони қанчалар кўп бўлмасин – таянч нуқтаси бўлиш учун яроқсиздир. Жамият томонидан

фикрат ва тариқат ўзлаштириб олинган ва улар ҳукмрон бўлган жой – мабдани ёювчилар сонидан қатъий назар – таянч нуқтаси бўлиш учун яроқлидир.

Шунинг учун даъватни ёювчилар даъватга даъватни ёювчиларнинг сонига қараб баҳо бермасинлар. Бундай баҳо бериш очиқ хато ва даъват учун хатарлидир. Зеро бу нарса даъватни ёювчиларни жамиятдан шахсларга буриб қўяди ва бу ҳолат сустликка, балки кўпгина ҳолатларда ўша жойдаги муваффақиятсизликка ҳам сабаб бўлади. Бунинг сири шуки, жамият – кўпчилик ўйлаганидек – шахслардан ташкил топган эмас, балки шахслар жамоа бўлакларидан бири бўлиб, жамиятда бу шахсларни бирлаштириб турадиган бошқа бўлақлар ҳам бор. Булар – фикрлар, туйғулар ва қонунлардир. Шунинг учун даъват фикрлар, туйғулар ва қонунларни тузатишга қаратилади. Бу даъват жамоий даъват бўлиб, у шахсларни эмас, жамиятни тузатиш учун олиб борилади. Шахсларни ислоҳ қилиш эса улар жамиятга даъватни ёювчи жамоий уюшмада аъзо бўлишлари учундир. Шунинг учун даъватнинг ҳақиқатини тушуниб етган даъватни ёювчи шахслар жамиятга даъватни ёйиш учун унинг ўзига таянадилар ва шахсни ислоҳ қилиш билан жамиятни ислоҳ қилиб бўлмайди, ҳатто шахсни ислоҳ қилиш унинг ўзини доимий ислоҳ қилиши мумкин эмас, деб биладилар. Зеро, шахсни ислоҳ қилиш фақат жамиятни ислоҳ қилиш билангина амалга ошади. Демак, жамият ислоҳ қилингандагина шахс ислоҳ қилинади. Шунинг учун даъват жамиятларга қаратилиши ҳамда қонда қўйидагича бўлиши лозим: «Жамиятни ислоҳ қилсанг, шахс ислоҳ қилинади ва унинг ислоҳи доимий бўлади».

Жамиятни катта қозондаги сувга ўхшатиш мумкин. Агар унинг остига ёки атрофига совутадиган нарса қўйсангиз, сув совиб музга айланади. Шунингдек, жамиятга бузуқ мабдалар киритилса, у бузуқликда қотиб қолади ҳамда тубанлик ва инқирозда давом этади. Агар жамиятга қарама-қарши мабдалар киритилса, унда зиддият-лар пайдо бўлиб, жамият ўз зиддиятлари ва беқарорлигида адашиб юраверади. Агар қозоннинг остига кучли ёнаётган ўтни қўйсангиз, сув исийди, сўнгра қайнаб, ҳаракатлантирувчи бугга айланади. Шунингдек, агар жамиятга тўғри мабда киритилса, у жамиятдаги алангага айланиб, унинг ҳарорати жамиятни қайнатиб, кейин ҳаракатлантириб юборади. Натижада жамият мабдани татбиқ қилиб, даъватни бошқа жамиятларга олиб чиқади. Қозондаги сувнинг ўзгариши дастлаб кўринмага-нидек, жамиятнинг бир ҳолатдан унга зид бўлган ҳолатга ўзгариши, бошқача қилиб айтсак, унинг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши кўринмаса-да, лекин жамиятни билувчилар ва кўтариб чиқаётган мабдалари ёндирувчи ўт ва ёритувчи нур эканига ишонувчилар жамият ўзгариш ҳолатида эканини ва тез орада қайнаш даражасига етиб, сўнг албатта ҳаракат даражасига етишини жуда яхши биладилар. Шунинг учун улар эътиборларини жамиятларга қаратадилар.

Шунинг учун таянч нуқтаси бўлишга яроқли жойни биз билмаймиз, чунки у фақат даъватнинг қувватига эмас, жамиятнинг тайёрлигига ҳам боғлиқ. Маккада исломий даъват жуда кучли бўлган. Шунга қарамасдан, яъни Макка даъватнинг бошланиш нуқтаси ва ҳаракат нуқтаси бўлишга яроқли бўлиб, даъват у ердан тарқалган бўлса-да, у таянч нуқтаси бўлиш учун яроқли бўлмади. Балки таянч нуқтаси Мадинада бўлди. Шунинг учун Расулulloҳ ﷺ Мадина жамиятидан қаноат ҳосил қилганларидан кейин у ерга ҳижрат қилдилар ва у ерда Давлатни барпо қилдилар. Бу Давлат даъватнинг кучи билан Арабистон ярим оролининг қолган жойларига, сўнг дунёнинг турли томонларига кенгайди.

Шундан айта оламизки, даъватни ёювчилар қанчалар заковатли ва воқеларни таҳлил қила оладиган бўлмасинлар, улар ҳаракат нуқтаси ҳамда таянч нуқтаси бўлиш учун яроқли жойни била олмайдилар. Буни ёлғиз Оллоҳ билади. Шунинг учун даъватни ёювчилар битта нарсага, яъни Оллоҳ Таолога бўлган иймонга суянишлари ва уларнинг барча амаллари фақат шу иймонга асосланган бўлиши лозим. Фақат Оллоҳнинг Ўзига бўлган иймон билангина даъват ютуққа эришади.

Оллоҳга бўлган иймон Унга тўғри таваккул қилишни ва фақат Ундангина ёрдам сўрашни тақозо этади. Чунки ёлғиз Оллоҳ Таологина сирни ва махфий нарсаларни билади ҳамда даъватни ёювчиларни муваффақиятга эриштиради ва ҳидоят йўлига бошлайди. Шунинг учун иймон кучли, Оллоҳга таваккул қилиш мукамал ва Ундан ёрдам сўраш давомли бўлиши зарур. Иймон мўминдан мабдага иймон келтиришни, яъни Исломга иймон келтиришни талаб қилади. Чунки Ислом Оллоҳ Таоло тарафидан юборилгандир. Шунингдек, бу иймон бирорта шубҳа аралашмаган мустаҳкам, собит иймон бўлиши керак. Унга шубҳа кириб қолишининг эҳтимоли ҳам бўлмаслиги керак. Чунки мабда ҳақидаги ҳар қандай шубҳа муваффақиятсизликка, балки кўпинча кўфр ва осийликка олиб боради.

Бундан Оллоҳнинг Ўзи асрасин

Шубҳа аралашмаган бу каби кучли иймон даъватни ёювчилар учун зарурийдир. Чунки даъват ўзининг тўғри йўлида тез ва катта қадамлар билан юришининг доимийлигига кафил бўладиган нарса айнан шу иймондир. Бу иймон даъват очиқ бўлишини ва ҳамма нарсага – одатлар, анъаналар, бузуқ фикрлар, хато тушунчаларга қарши чиқишни, ҳатто хато бўлса раъйи омга қарши чиқишни тақозо этади, гарчи раъйи ом билан курашишга тўғри келса ҳам. Шунингдек, ақидалар ва динларга, гарчи бу дин вакилларининг мутаассиблигига дуч келса ҳам, қарши чиқишни тақозо қилади. Шунинг учун исломий ақида устига қурилган даъват очиқлик, журъат, қувват ва фикр билан ажралиб туради. Натижа ва вазиятлардан, омма халққа мос келиш-келмаслигидан, одамлар уни қабул қилиши ёки уни рад этиб, унга қарши курашишларидан қатъий назар, фикрат ва тариқатга зид ҳар бир нарсага қарши чиқиши ва уларнинг сохталикларини фош

қилиш учун юзма-юз туриши билан ажралиб туради. Шунинг учун даъватни ёювчи шахс халққа хушомадгўйлик ва тилёғламалик қилмайди. Жамият юкини зиммасига олган ҳокимлар ва бошқаларга икки юзламачилик қилиб чиройли кўринишга уринмайди, балки мабдадан бошқа ҳеч нарсани ҳисобга олмай, фақат мабданигина маҳкам ушлайди.

Бу иймон сиёдат (хўжайинлик) ёлғиз мабдага, яъни ёлғиз Исломга берилишини ва Исломдан бошқа мабдаларни – улар қанчалар турли-туман ва хилма-хил бўлмасин – куфр деб эътибор қилишни талаб қилади. Оллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّ الدِّينَ عِنْدَ اللَّهِ الْإِسْلَامُ﴾

– „Албатта Оллоҳнинг ҳузурида мақбул бўладиган дин фақат Ислом динидир“.

[3:19]

Исломга иймон келтирмаган ҳар бир киши Ислом назарида кофирдир. Шунинг учун исломий даъватни ёювчилар Исломдан бошқа дин ёки мабда эгаларига: «Ўз мабдаингиз ва динингизни маҳкам ушланглар», дейиши жоиз эмас, балки Исломни қабул қилишлари учун уларни Исломга ҳикмат ва чиройли мавъиза билан даъват қилишлари лозим. Чунки даъват даъватни ёювчилардан сиёдат ёлғиз Исломники бўлиши учун ҳаракат қилишларини талаб қилади. Файримусулмонларни ўз дин ва эътиқодларида қолдириш уларнинг динини тан олиш деган маънони англатмайди. Балки бу Оллоҳ Таолонинг «*Динда мажбурлаш йўқ*», деган буйруғига бўйсунушидир. Оллоҳ Таолонинг бу буйруғи шахслар ўз эътиқод, дин ва ибодатларида жамойй ҳолатда эмас, фардий ҳолатда қолишларини ва Ислом борлигида алоҳида бир борлиқ бўлиб қолмасликларини тақозо этади. Шунинг учун Исломга зид асосга қурилган ғайриисломий сиёсий ҳизб ёки уюшмаларнинг бўлишини Ислом ман қилади ҳамда ҳизблар ва уюшмалар фақат Ислом доирасида бўлишига рухсат беради. Шундай қилиб, мабдага бўлган иймон жамиятда ёлғиз мабданинг ўзини ҳукмрон қилишни ва бошқаларни у билан шерик қилмасликни тақозо қилади.

Исломга иймон келтириш унинг аҳкомлари ва қонунларини тушунишдан фарқ қилади. Чунки Исломга иймон келтириш ақл орқали ёки асли ақл билан исботланган йўл орқали вужудга келган. Шунинг учун бу иймонга шубҳа киролмайди. Аммо Ислом аҳкомларини тушуниш ёлғиз ақлнинг ўзига боғлиқ эмас, балки араб тилини билишга, истинбот қуввати мавжуд бўлишига ҳамда саҳиҳ ҳадисларни заифларидан ажратишни билишга боғлиқ бўлади. Шунинг учун даъватни ёювчилар аҳкомларни тушунишларини «тўғри тушуниш, лекин хатонинг эҳтимоли бор», бошқаларнинг тушунишларини эса «хато тушуниш, лекин тўғри бўлиш эҳтимоли бор», деб ҳисоблашлари лозим. Токи тушунишлари ва истинботларига мувофиқ Исломга ва унинг аҳкомларига даъват қилиш ҳамда «хатою, тўғри бўлишининг эҳтимоли бор», деб ҳисоблаган бошқаларнинг тушунчаларини «тўғрию, хатолиги-нинг эҳтимоли бор», деб

ҳисоблаган ўз тушунчаларига айлантириш уларга муяссар бўлсин. Шунинг учун даъватни ёювчилар ўз тушунчалари ҳақида: «Бу Исломининг раъйи», дейишлари дуруст эмас. Балки улар ўз раъйлари ҳақида: «Бу ислоний раъй», дейишлари лозим. Мазҳаб эгалари бўлган мужтаҳидлар аҳкомларни истинбот қилишларини «тўғри, лекин хато бўлиш эҳтимоли бор», деб ҳисоблашган. Уларнинг ҳар бири: «Агар ҳадис саҳиҳ бўлса, у менинг мазҳабим. Менинг гапимни ташланглар», дер эди. Шунингдек, даъватни ёювчилар ўзлари табанний қилган раъйлар ёки Исломдан деган эътибор билан етиб борган раъйларини «тўғри, лекин хато бўлиши эҳтимолли» раъйлар деб ҳисоблашлари лозим. Айни пайтда уларнинг Исломга бўлган иймонлари ҳеч қандай шубҳа кириши мумкин бўлмаган ақидадир. Даъватни ёювчилар ўз тушунчаларини бундай ҳисоблашларининг сабаби шуки, даъват ўз эгаларининг дилларига камолотга интилишни экади. Улардан доимо ҳақиқатни излашни ва ҳар бир билган ва тушунган нарсаларини давомли равишда текшириб туришларини талаб қилади. Токи бегона нарса унга илашиб қолишидан уни тоза сақласинлар ҳамда яқин турса унга ёпишиб, унинг бир қисмига айланиб қолишининг эҳтимоли бўлган ҳар қандай нарсалардан уни узоқ тутсинлар. Бу нарса доимо тушунча тўғри ва фикр чуқур бўлиши учун ҳамда фикрат мусаффо ва тиниқлигида давом этиши учун зарурдир. Чунки фикратнинг мусаффо ва тиниқлигига қараб уларнинг даъватни олиб боришлари осон бўлади. Зеро, фикратнинг мусаффолиги ва тариқатнинг равшанлиги муваффақиятнинг ҳамда муваффақият давоматининг гаровидир.

Бироқ, ҳақиқатни бундай текшириш ва тўғрисиини излаш уларнинг тушунчалари шамол эсишига қараб ўзгарувчан бўлади, деган маънони англамайди. Аксинча, уларнинг тушунчалари чуқур фикрдан келиб чиққани учун ўзгармас тушунча бўлиши лозим. Шунинг учун бу тушунча бошқа ҳар қандай тушунчадан кўра мустаҳкамдир. Шунга кўра, даъватни ёювчилар даъватлари ва тушунчаларига хушёр ҳамда бошқалар бу тушунчалардан уларни чалғитиб юборишидан эҳтиёт бўлишлари лозим. Бу чалғитиш даъват учун энг хатарли нарсадир. Шунинг учун Оллоҳ Таоло Пайгамбари ﷺ ни ундан огоҳлантириб айтганки:

﴿وَأَحْذَرَهُمْ أُنْ يَفْتِنُوكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ﴾

– „Оллоҳ сизга нозил қилган аҳкомларнинг айримларидан сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг“.

[5:49]

Умар ибн Хаттоб қозиси Шурайҳга Оллоҳнинг Китобига қарашни тавсия қилиб шундай дедилар: «Сени нуфузли кишилар Қуръондан буриб қўймасин». Шунинг учун даъватни ёювчилар бирор мухлис тарафидан Исломга зид айтилган сўздан ёки даъватни эъзозловчи киши фойдали деган ҳужжат билан билдирган Исломга зид раъйлардан эҳтиёт бўлишлари лозим. Бундай ишлардан эҳтиёт бўлсинлар ва ҳеч кимга бундай иш қилиш имконини бермасинлар. Чунки бундай ишда очиқ залолат бор. Исломга

бўлган даъват билан исломий ҳаётни қайта бошлашга бўлган даъват ўртасини ажратиб олиш лозим. Шунингдек, уммат ичида исломий уюшма сифатида бир жамоа олиб борадиган даъват билан Исламий Давлат олиб борадиган даъват ўртасини ажратиб олиш лозим.

Исламга бўлган даъват билан исломий ҳаётни қайта бошлашга бўлган даъват ўртасини ажратиб олиш даъват интилаётган гоёни билиш учун керакдир. Улар ўртасидаги фарқ шуки, Исламга бўлган даъват ғайримусулмонларга олиб чиқилиб, улар Исламни қабул қилишга ва унинг қўрғонига киришга даъват қилинадилар. Уларни даъват қилишнинг амалий тариқати қуйидагича: Улар Ислам нурини кўришлари учун Исламий Давлат томонидан Ислам аҳкомлари асосида бошқарилади-лар ва Исламнинг буюклигини идрок қилишлари учун унинг ақида ва аҳкомлари уларга баён қилиниб, улар Исламга даъват қилинадилар. Шунинг учун Исламга бўлган даъватни Исламий Давлат олиб бориши лозим.

Аммо исломий ҳаётни қайта бошлашга бўлган даъватни шахслар эмас, уюшма олиб бориши керак. Исламий ҳаётни қайтадан бошлашга бўлган даъват шундан иборат: Одамларининг ҳаммаси мусулмон бўлса-да, Ислам билан бошқарилмаётган жамият ғайриисломий жамият бўлади ва уни «дорул-куфр» дейиш муносибдир. У ерда Исламни татбиқ қиладиган ва унинг даъватини бошқаларга олиб борадиган Исламий Давлат барпо бўлиши учун даъват олиб борилади. Бу – Исламий Давлат умуман йўқ бўлгандаги ҳолат. Агар Исламни мукамал татбиқ қиладиган Исламий Давлат мавжуд бўлса, ғайриисломий жамиятда – у ҳам Исламий Давлатнинг иқлимларидан бири бўлиши учун – даъват олиб борилади. Бундан мақсад у ҳам Исламий Давлат тарафидан Ислам билан бошқарилиши ва унинг исломий даъватни олиб чиқадиган қисмларидан бири бўлиши учундир. Шунда у ҳам исломий жамиятга айланади ва уни «дорул-Ислам» дейиш тўғри бўлади. Чунки мусулмон дорул-куфрда яшаши жоиз эмас, балки у яшаб турган дорул-Ислам дорул-куфр бўлиб қолса, уни яна дорул-Ислам қилишга ҳаракат қилиши ёки дорул-Исламга ҳижрат қилиши лозим.

Исламий Уммат ичидаги бирор жамоа олиб борадиган даъват билан Исламий Давлат олиб борадиган даъват ўртасини ажратиб олиш даъватни олиб боровчилар қиладиган ишнинг турини билиш учун керак. Улар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, Исламий Давлат олиб борадиган даъватда амалий жиҳат кўриниб туради. Давлат Исламни ичкарида тўла ва умумий равишда татбиқ қилади. Токи мусулмонлар ҳаётда бахтли бўлсинлар ва Исламий Давлат соясида яшаётган ғайримусулмонлар Ислам нурини кўриб, унга ўз ихтиёрлари билан рози ва хотиржам бўлиб кирсинлар. Давлат фақат тарғибот ва Ислам аҳкомларини шарҳлаш билангина эмас, балки қўшни ўлкаларни Ислам билан бошқариш – даъватнинг амалий тариқати, деган эътибор билан уларни Ислам билан бошқариш мақсадида Оллоҳ йўлида жиҳод қилиш учун куч тайёрлаш

орқали ҳам даъватни ташқарига олиб чиқади. Расулulloҳ ﷺ қўллаган, кейин то Исломиё Давлатнинг охири дамларигача халифалар қўллаган тариқат айнан шудир. Шунинг учун Давлат томонидан ички ва ташқи сиёсатда даъватни олиб бориш даъватдаги амалий жиҳатдир.

Аммо жамоа ёки уюшма олиб борадиган даъват фикрга тааллуқли ишлардан иборат бўлиб, бошқа ишларни амалга оширишга алоқасиздир. Шунинг учун бу даъват амалий жиҳатни эмас, фикрий жиҳатни олиб, Исломиё Давлат вужудга келгунича шариат бундай ҳолатда белгилаб берган ишларни амалга оширади. Давлат вужудга келганидан сўнг даъватда амалий жиҳат бошланади. Шунинг учун мусулмонларни даъват қилиш билан шуғулланаётган жамоа ёки уюшма уларни исломий ҳаётни қайта бошлашлари учун Исломни тушунишга даъват қилади ва кураш тақозо қиладиган услуб билан бу даъватни тўсаётганларга қарши курашади.

Расулulloҳ ﷺнинг Маккадаги ҳаётлари даъватни олиб бориш учун намуна қилиб олинishi лозим. Бу ҳаётга кўра, Ислом белгилаган вазибаларни бажариш билан бирга – Арқамнинг уйида бўлганидек – Исломни ўрганиш ва тушуниш босқичи бошланади. Сўнгра Исломни ўрганиб, яхши тушунган ишончли-содиқ мўминлар Уммат Исломни яхши тушуниб етиши ва Исломий Давлатнинг бўлиши зарурлигини тушуниши учун Умматга таъсир ўтказиш босқичига ўтадилар. Уюшма аввало одамларнинг бузуқ қилмишларини эслатиб, буларнинг айб эканлигини фош қилиши, улар билан хато тушунчалари хусусида баҳслашиб, бу нарсаларнинг аҳмоқона эканини кўрсатиб бериши ва уларга Исломнинг ҳақиқатини ва даъватнинг моҳиятини баён қилиб бериши лозим. Токи одамларда даъват ҳақида ваъйи ом (умумий онг) вужудга келсин, даъват кишилари умматнинг бир бўлагига айлансинлар ва уммат улар билан биргаликда бўлинмас бир бутун бўлиб қолсин. Шунда уммат бир бутун бўлиб, даъватни олиб бораётган уюшма етакчилигида самарали иш қилади. Ҳатто улар биргаликда ҳокимиятни қўлга олиб, Исломий Давлатни вужудга келтирадилар. Шу вақтда Расулulloҳ ﷺнинг Мадинадаги ҳаётлари Исломни татбиқ қилиш ва Исломга даъват этишда ўрнак қилиб олинади. Шунинг учун даъватни олиб бораётган исломий уюшманинг амалий жиҳатларга алоқаси бўлмайди, у даъватдан бошқа нарса билан шуғулланмайди ва бошқа ишлардан бирортаси билан машғул бўлишни даъватдан чалғитувчи ва тўсувчи нарса деб ҳисоблайди. Бу каби ишлар билан шуғулланиш мутлақо жоиз эмас. Расулulloҳ ﷺ Маккада Исломга даъват қилаётганларида Макка фиқҳу фужурга тўла эди. Шундай бўлса-да, уларни йўқотиш учун ҳеч нарса қилмадилар. Зулму ситам, фақирлик ва муҳтожлик очиқ кўриниб турган бўлса-да, бу нарсаларни енгиллатиш учун бирор иш қилганлари ривоят қилинган эмас. Каъбада бўлганларида бутлар бошлари устида бўй чўзиб турарди. Бутларнинг бирортасига қўл тегизганлари ривоят қилинган эмас. Ул зот ﷺ мушрикларнинг худоларини айблаб, ақлларининг аҳмоқона эканини кўрсатар, амалларининг

сохталигини фош қилар эдилар, яъни сўзга ва фикрий жиҳатга чекланар эдилар. Лекин қўлларида Давлат барпо бўлиб, Маккани фатҳ қилгач, у бутлардан, ўша фиқсу фужур, зулму ситамлар, фақирлик ва муҳтожликлардан бирортасини қолдирмадилар.

Шунинг учун уюшма даъватни олиб бораётганида уюшма сифатида бошқа ишлардан бирортасини қилиши мумкин эмас. Уюшма фикр ва даъватнинг ўзига чекланиши лозим, бироқ унинг аъзолари ўзлари қизиққан хайрия ишларини қилишдан қайтарилмайдилар. Уюшма эса бундай ишни қилмайди. Чунки унинг иши даъватни олиб бориш учун Давлатни тиклашдан иборат.

Расулulloҳ ﷺнинг Маккадаги ҳаётларини намуна қилиб олиш вожиблигига қарамасдан, Макка аҳли ва уларни Исломга даъват қилиш билан ҳозирги мусулмонлар ва уларни исломий ҳаётни қайта бошлашга даъват қилиш ўртасидаги фарқ ҳисобга олиниши керак. Яъни, Расулulloҳ ﷺ кофирларни иймонга даъват қилган эдилар. Аммо ҳозирги даъват мусулмонларни Исломни тушунишга ва унга амал қилишга даъват қилишдир. Шунинг учун ҳозирги даъват енгил ва осондир.

Шу сабабли, уюшма бирга яшаётган умматдан ўзини бошқа деб ҳисобламаслиги, балки ўзини шу умматнинг бир қисми деб ҳисоблаши лозим. Чунки одамлар ҳам улар каби мусулмондирлар. Уюшма аъзолари Исломни тушуниб, унга амал қилаётган бўлсалар-да, мусулмонларнинг бирортасидан афзал эмаслар. Лекин улар мусулмонларнинг ичида оғир юкни зиммаларига олган ҳамда Оллоҳнинг олдида мусулмонларга хизмат қилиш ва Ислом учун ҳаракат қилиш масъулиятини кўтаришдаги жавобгарлиги катта бўлган кишилардир. Исломий уюшма аъзолари билишлари керакки, улар уммат ичида иш олиб бориб, ундан ажралиб қолсалар, ўзларининг сонлари қанчалар кўп бўлмасин, умматсиз ҳеч қандай қийматга эга эмаслар. Шунинг учун уларнинг муҳим вазифалари уммат билан бирлашиш, курашда у билан бир сафда туриш ва ишни олиб боровчи умматнинг ўзи эканини унга ҳис қилдиришдан иборат. Уюшма умматдан ажралиб қолгани ҳақида шубҳа уйғотадиган катта ёки кичик ҳар қандай иш, сўз ёки ишорадан узоқ бўлиши лозим. Чунки бу ҳолат умматни уюшмадан ва унинг даъватидан узоқлаштиради ва уюшмани жамиятни уйғонишдан тўсадиган чигалликлардан бирига айлантиради. Уммат бўлинмас бир бутун бўлиб, уюшма Давлатни барпо қилиш учун иш олиб боради. У уммат ва давлат ичида Исломга посбон бўлиб қолади. Ҳатто умматда четга оғишни кўрса, унинг ичида туриб унга иймонини ва буюк уммат эканини эслатади. Агар Давлатда қинғирликни кўрса, Ислом буюрган амаллар орқали уни тўғирлашда уммат билан бирга ҳаракат қилади. Шу сабабли, уюшма олиб бораётган исломий даъват ўзининг табиий йўлида мумтоз бир шаклда давом этади.

Демак, уюшманинг ғояси Ислом юртларида исломий ҳаётни қайта бошлаш ва исломий даъватни оламга ёйишдир. Унга олиб борадиган

тариқат эса ҳокимиятдир. Ҳокимиятга етиш тариқатининг бир қисми эса Исломни ўрганиш, уни чуқур тушуниб етиш ҳамда исломий шахсияни шакллантириш учун исломий ақлия билан исломий нафсияни вужудга келтиришга таъсир қиладиган даражада одамларни Ислом билан тарбиялашдан иборат. Шунингдек, Исломни умматга тушун-тириш, умматнинг манфаатлари ҳақиқатини ва Ислом уларни ҳал қилиб, амалга оширишни ҳам кафолатлаши ҳамда умматнинг манфаатини табанний қилганини умматга тушунтириш учун умматга таъсир ўтказиш ҳам ҳокимиятга олиб борадиган тариқатнинг бир қисмидир. Шунга кўра, умматга таъсир ўтказиш ва даъват йўлида кураш билан бир вақтда ўрганиш ҳам тўхтамаслиги керак. Ҳизбий уюшманинг бу иши сиёсий ишдир. Шунинг учун бу уюшмада кўзга кўринган жиҳат сиёсий жиҳат бўлиши зарур. Чунки бу Исломга даъват қилиш бошланадиган амалий йўлдир. Бу эса фақат сиёсатга ёки ёлғиз ҳокимиятнинг ўзига даъват қилишни англатмайди, балки Исломга ва Исломни татбиқ қиладиган ҳамда унинг даъватни олиб борадиган Исломий Давлатни вужудга келтириш учун мукамал ҳолдаги ҳокимиятга эришиш йўлида сиёсий курашга даъват қилишни англатади. Шунинг учун исломий даъватни олиб борувчи уюшма сиёсий уюшма бўлиши лозим. У руҳий уюшма, ахлоқий уюшма, илмий уюшма, таълимий уюшма ва шу каби уюшмалардан бўлмаслиги, балки сиёсий уюшма бўлиши керак. Шунга биноан Ҳизбут Таҳрир, исломий ҳизб бўлган ҳолда, сиёсий ҳизб ҳамдир. У сиёсат билан шугулланади, сиёсий жиҳат яққол намоён бўладиган исломий сақофат билан умматни тарбиялаш учун иш олиб боради. Мустамлака ва унинг малайлари талаба ва хизматчиларни сиёсатдан ман қилиш ҳамда оммани сиёсатдан узоқлаштиришга ҳаракат қилишини қаттиқ инкор қилади. Одамлар сиёсатдан чуқур хабардор бўлиши ва уларда сиёсий тарбия яққол кўзга ташланиб туриши зарур, деб билади. Ислом сиёсатни ўз ичига олишини ҳамда Исломдаги сиёсий қонунлар фалончи-фалончи нарсалардан иборат эканини баён қилишни сиёсий иш деб эътибор қилмайди. Балки сиёсат умматнинг барча ички ва ташқи ишларини бошқариш ва уларни фақат исломий асосда юритиш, бу нарсалар Давлат тарафидан ва Давлатни муҳосаба қиладиган уммат тарафидан бўлишидир. Бу ишлар амалга ошириш учун Ҳизб уммат ичида ва ҳокимиятда бу ишларни қўлга олиши зарур. Шунинг учун Ҳизб Исломга даъват қилишни кенг қўламда олиб боради, умматга ҳаёт муаммоларини муолажа қиладиган шаръий аҳкомларни ёритиб беради, ёлғиз Ислом билан ҳукм юритиш учун иш олиб боради, мустамлакачи кофирга қарши уни тағ-томири билан қўпориб ташлаш учун курашади, мустамлака малайларига қарши аёвсиз кураш олиб боради, хоҳ улар мустамлакачиликнинг фикрий етакчилиги ва мабдаларини тарқатаётган, хоҳ унинг сиёсати ва фикрларини қабул этаётган бўлсин, бунинг фарқи йўқ.

Ислом даъватини ёйиш ва бу йўлда сиёсий кураш олиб бориш Ҳизб ўзига мажол (фаолият майдони) қилиб белгиланган жамиятда бўлади. Ҳизбут Таҳрир бутун Ислом оламидаги жамиятни битта жамият деб эътибор қилади. Чунки унинг барча масаласи битта, яъни Ислом масаласидир. Лекин Ҳизб араб юртларини исломий юртларнинг бир қисми сифатида бошланиш нуқтаси қилиб белгилайди. Ҳизб Буюк Исломий Давлатнинг ўзаги сифатида араб юртларида Исломий Давлатнинг вужудга келишини бу йўлдаги табиий қадам, деб билади.

Ислом оламидаги жамият ўта ёмон сиёсий ҳолатда бўлиб, у Фарб давлатлари томонидан бутунлай мустамлака қилингандир. Унда мустақиллик белгилари кўринаётган бўлишига қарамасдан, ҳануз мустамлака бўлиб келмоқда. У капиталистик демократик фикрий етакчиликка батамом бўйсунгандир. Унга ҳукм ва сиёсатда демократик қонунлар, иқтисодда эса капиталистик низом татбиқ қилинмоқда. Ҳарбий соҳада, қурол-яроғ, ҳарбий тайёргарлик ва бошқа ҳарбий фанларда унинг жиловли ажнабийнинг қўлида, ташқи сиёсатда ҳам у ўзини мустамлака қилиб турган ажнабий сиёсатга тобедир. Шунинг учун айта оламизки, Ислом юртлари ҳамон мустамлака бўлиб, бу юртларда мустамлакачилик ҳануз ўрнашиб турибди. Зеро, мустамлакачилик – заиф халқлардан ўз манфаати йўлида фойдаланиш учун улар устидан ҳарбий, сиёсий, иқтисодий ва маърифий ҳукмронликни ўрнатишдир. У ўз фикрий етакчилигини мажбурлаб тиқиштириш ва бу етакчиликнинг ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарини ўрнатиш учун барча кучларни ишга солмоқда. Мустамлакачиликнинг турли шакллари мағлуб мамлакатни голиб мамлакат ерларига қўшиб олишни, мустамлака ерларини вужудга келтириш ва номига мустақил, амалда эса мустамлакачи давлатга бўйсунадиган ҳукуматларни барпо қилишни ўз ичига олади. Исломий юртлардаги воқе шундай. Чунки уларнинг ҳаммаси Фарб ҳукмрон-лигига бўйсунган бўлиб, маърифий соҳада Фарб мустамлакачилиги дастурларига мувофиқ ҳаракат қилмоқда. Ислом юртлари Фарб мустамлакачили-гига бўйсунганлиги билан бирга рус босқинининг ҳам мўлжалида турибди. Чунки Россия бу юртларда ўзининг малайлари воситасида – коммунистик ақидани одамлар қабул қилишлари учун – коммунистик мабдага даъват қилиш орқали унинг фикрий етакчилигини ва ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарини ҳукмрон қилиш мақсадига иш олиб бормоқда.

Бинобарин Ислом юртлари Фарб давлатларининг мустамлакаси, ажнабий фикрий етакчиликлар учун сахна ва Россиянинг кўз тиккан ҳамда ҳужум қилиб босиб олишни мўлжаллаган еридир. Бироқ, бу ҳужумдан мақсад бу юртларни мустамлака қилишгина эмас, балки уларни исломий юртлардан коммунистик юртларга айлантириш ва бутун жамиятни Исломнинг асари ҳам қолмайдиган коммунистик жамиятга айлантиришдир.

Демак, сиёсий фаолият ажнабий фикрий етакчиликларга қарши курашиш орқали мавжуд мустамлакачиликка қарши курашиш учун ҳамда

юртларимизни мўлжаллаётган ажнабий босқин хатаридан сақланишга ҳаракат қилиш учун олиб борилиши лозим. Аммо рус ҳужумининг хатари мавжуд бўлса-да, сиёсий жиҳатдан ҳозирга қадар сезиларли эмас. Бу хатар коммунистик фикрий етакчиликни бу юртларда тарқатаётган ҳамда Фарб мустамлакачилиги тарафидан бизга етаётган сиёсий ва иқтисодий зулмдан ушбу фикрий етакчиликни ўрнаштириш мақсадида фойдалана-ётган ташвиқотчиларга чегаралангандир. Шунинг учун Фарб мустамлакачилигига қарши кураш рус ҳужуми хатарига қарши курашга олиб боради. Исломиё даъватни тўғри суратда кўтариб чиқиш эса ажнабий фикрий етакчиликларнинг хатарига қарши курашади. Демак, Фарб мустамлакачилигига қарши кураш сиёсий курашнинг тамал тоши бўлиши лозим.

Сиёсий кураш ажнабийлардан – улар ким бўлишидан қатъий назар ва қайси соҳада бўлмасин – ёрдам сўрамасликни тақозо қилади. Ҳар қандай ажнабийдан сўралган сиёсий ёрдам ва ажнабийни қўллаб-қувватлаш умматга нисбатан хиёнат деб эътибор қилинади. Шунингдек, сиёсий кураш Ислом оламида ички борлиқни тўғри суратда тиклаш учун ҳаракат қилишни тақозо қилади. Токи у мумтоз борлиқ ва юксак жамиятга эга бўлган оламшумул кучга айлансин. Бу куч оламга исломий даъватни ёйиш ва олам етакчилигини ўз қўлига олиш мақсадида иккала лагердан ташаббусни тортиб олиш учун ҳаракат қилади. Сиёсий кураш, шунингдек, Фарб низоми ва қонунлари ҳамда мустамлакачиликнинг барча кўринишларига қарши курашни тақозо қилади. Ҳамда Фарбнинг турли-туман илмий, молиявий ёки сиёсий лойиҳаларини, хусусан Британия ва Америка лойиҳаларини рад қилишни талаб қилади. Яна Фарб дунёқарашини бутунлай улоқтириб ташлашни тақозо этади. Бироқ, бу нарса маданий шаклларни ташлаш дегани эмас, зеро маданият илм ва саноатдан келиб чиққан бўлса олиниши лозим. Сиёсий кураш, шунингдек, ажнабий фикрий етакчиликни тағ-томири билан қўпориб ташлашни ҳамда исломий нуқтаи назарга зид бўлган ажнабий маърифатларни улоқтиришни талаб қилади. Бу илмни улоқтириб ташлашни англамайди, чунки илм оламшумул бўлиб, қайси томондан бўлса ҳам олиниши лозим. Зеро, илм ҳаётдаги моддий тараққиётнинг энг муҳим омилларидан биридир.

Сиёсий кураш биздан қуйидагиларни билиши-мизни талаб қилади:

- Фарб мустамлакачилари, хусусан британия-ликлар ва америкаликлар ўз нуфузлари остида бўлган ҳар бир юртда жаҳолатпараст ва қоқоқ шахслар, сиёсатлари ва фикрий етакчиликларини қўллаб-қувватловчилар ҳамда ҳукмрон гуруҳлардан бўлмиш малайларга ёрдам беришга таянадилар;
- мазкур исломий ҳаракатни тўхтатиш учун турли ўлкалардаги малайларига ёрдам беришга шошиладилар;
- уни йўқ қилиш учун уларга пул ва бошқа зарур бўлган барча воситалар билан ёрдам берадилар;

- мустамлакачилар ўз малайлари билан биргаликда ушбу «ИсломиЙ Озодлик Ҳаракати»га қарши ташвиқот байроғини кўтариб чиқиб, уни турли туҳматлар билан айблайдилар.

Масалан, «бу ҳаракат мустамлакачиларга ёлланган», «ички фитналарни қўзғатувчи», «бутун оламни мусулмонларга душман қилиб қўювчи», «бу ҳаракат Исломга зид» ва шу каби туҳматлар билан айблайдилар. Шунинг учун курашувчилар мустам-лакачиликнинг сиёсати ва услубларини яхши англаган бўлишлари лозим. Токи уларнинг ички ва ташқи мустамлакачилик режаларини ўз вақтида фош қилсинлар. Чунки мустамлакачиликнинг режаларини ўз вақтида очиб ташлаш сиёсий курашнинг энг муҳим турларидан бири ҳисобланади.

Шунинг учун Ҳизбут Таҳрир исломий ўлкаларни мустамлакачиликнинг барча турларидан озод қилиш учун иш олиб боради. У мустамлака-чиликка қарши тинимсиз кураш олиб боради. Лекин у фақат мустамлакачиликнинг чиқиб кетишини ва сохта истиқлолни талаб қилмайди, балки мустамлакачи кофир ўрнатган барча шаклларни тағ-томири билан қўпориб ташлаш учун ҳарбий, фикрий, маърифий, иқтисодий ёки бошқа босқинчиликлардан исломий юртларни, билим даргоҳлари ва фикрларни озод қилиш орқали иш олиб боради. Бутун оламга Ислом рисолатини олиб борадиган ИсломиЙ Давлатни барпо қилиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлаш учун Ҳизб мустамлакачиликнинг ҳар қандай шаклини мудофаа қилувчи кимсаларга қарши курашади.

Бу улкан вазифаларни адо қилиш учун Оллоҳдан Ўз ёрдами билан бизга мадад беришини сўраб, Унга илтижо қиламиз.

Оллоҳ эшитгувчи ва дуоларни қабул қилгувчи зотдир.

ҲИЗБУТ ТАҲРИР

Ҳизбут Таҳрир сиёсий ҳизб бўлиб, унинг мабдаси Ислому ва ғояси Ислому низомларини ижро қиладиган ва оламга унинг даъватини олиб чиқадиган Исломию Давлатни барпо қилиш орқали исломию ҳаётни қайта бошлашдир.

Бу ҳизб ҳизбий сақофатни тайёрлаб, унга ҳаёт ишлари ҳақидаги Исломию аҳкомларни киритди.

Ҳизб инсоннинг сиёсий, иқтисодий, сақофий, ижтимоий ва бошқа муаммоларининг барчасини ечиб берадиган низомлар келиб чиқадиган фикрий етакчилик сифатида Исломга даъват қилади. У сиёсий ҳизб бўлиб, аъзолигига эркакларни қабул қилгани каби аёлларни ҳам қабул қилади. Барча одамларни Исломга, унинг тушунчалари ва низомларини қабул қилишга даъват қилади. Уларга – миллатлари ва мазҳаблари қандай бўлишидан қатъий назар – Ислому назари билан қарайди.

У ўз ғоясига етишмоқ учун умматга таъсир ўтказиб, у билан бирлашишга суянади. Умматни мустамлакачиликнинг фикрий етакчилигидан озод қилиш, унинг сақофий, сиёсий, ҳарбий, иқтисодий ва бошқа илдизларини исломию ўлкаларнинг тупроғидан қўпориб ташлаш ва мустамлакачилик «Ислому ибодат ва ахлоқдан иборат», деб тарқатган чалкаш тушунчаларни ўзгартириш учун мустамлакачиликнинг ҳамма шакллари ва номларига қарши курашади.

